Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 108 (3609).
ДУШАНБА
15 МАЙ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

● *Мажбуриятлар изидан*

САФИМИЗДА БИРОНТА ҚОЛОҚ БЎЛМАСИН

Ленин, Фрунзе ва Сергели районлари меҳнатчиларининг 1978 йил учун тузган социалистик мусобақа шартномаси районлардаги саноат, транспорт ва алоқа корхоналари коллективларининг хўжалик-иқтисодий фаолиятларида юксак кўрсаткичларга эришишлари учун бўлган курашда асосий восита бўлиб қолди.

Саноат ходимлари халқ хўжалик планларини муддатидан илгари бажариб, пландан ташқари 6 миллион сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқардилар.

Бундай ютуқларга қандай эришилди? Ишлаб чиқариш коллективларининг беш йилликнинг учинчи йили тўрт ойлик меҳнат беллашуви якунлари ҳақида биз бугун «Оқшом»нинг иккинчи саҳифасида батафсилроқ тўхталиб ўтамиз ва мусобақадош районларнинг корхоналари ўртасидаги анъанавий йўқламамизни бошлаймиз.

Кейинчалик Ҳамза ва Куйбишев, Октябрь ва Чилонзор, Киров ва Собир Раҳимов районлари ўртасидаги меҳнат беллашуви якунлари тўғрисида ҳикоя қиламиз.

● ИДЕОЛОГИЯ ИШЛАРИ ХРОНИКАСИ

Якунловчи машғулотга тайёргарлик

Партия, комсомол ўқуви ва иқтисодий таълим шохобчаларида мамлакатимиз ҳаётида икки катта воқеа — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги ва Совет давлати янги Конституциясининг қабул қилиниши билан боғлиқ материаллар машғулотларнинг бош мавзуси бўлди. Тошкент трактор заводи партия комитети партия, комсомол ўқуви ва иқтисодий таълим шохобчаларида якунловчи машғулотларга тайёргарлик кўраркан, КПСС XXV съезди кўрсатмалари ва КПСС Марказий Комитетининг «Партия XXV съезди қарорлари асосида партия ўқувининг вазифалари тўғрисида»ги қарори асосида иш олиб бормоқда. Юбилей материаллари ва Асосий Қонун мактаб ва семинар машғулотларида, коммунистик меҳнат мактабларида юксак ташкилий ва ғоявий савияда ўтди.

Корхона партия комитети якунловчи машғулотлар ўтказиш мобайнида группаларда машғулот савиясини текшарибгина қолмай, балки пропагандистларга амалий ёрдам бериш тадбирларини кўрмоқда. Заводнинг 15-цехидан В. В. Бутилин, 10-цехидан А. Белоусов сингари актив пропагандистлари якунловчи машғулотларга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

Программа асосида

Пойтахтимиздаги «Ташсельмаш» заводи партия комитети бу йилги ўқув йилида тингловчилар эътиборини ривожланган социалистик жамиятнинг актуал назарий ва сиёсий проблемаларига қаратди, ишлаб чиқариш илғорлари тажрибасини ўрганишни оқилона ташкил қилиб, ҳаётга тадбиқ этди.

Яқинда завод партия комитети сиёсий ва иқтисодий таълим соҳасида ўқув йилини муваффақиятли ниҳоясига етказиш ҳамда якунловчи машғулотларга пухта тайёргарлик кўриш тадбирлари қандай бажарилаётганини муҳокама этди. Айниқса марксизм-ленинизм асослари мактаби пропагандисти В. Н. Убогович олиб бораётган «КПСС сиёсати — ҳаракатдаги марксизм-ленинизм» курсининг машғулотлари тингловчиларда ёрқин таассурот қолдиряпти. Шунингдек А. Приходько, В. Шмах сингари тажрибали пропагандистлар ҳам ўқув йилининг якунловчи машғулотлари масъулиятини чуқур ҳис этиб иш олиб боришяпти.

БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА

Ижодий бригада улуши

Агар Тошкент тепловоз депосида тежамкорлик ҳақида гап кетгудек бўлса, дарҳол Павел Иванович Соловьёв бошчилик қилаётган асбобсозлик цехи ҳақида тўлқинланиб гапиришади. Бунинг боиси бор, албатта. Чунки цех коллективи тежамкорлик борасида корхонада байроқдор. Шу йилнинг март ойида цехда депо бошлиғи А. Абдуллаевнинг ташаббуси билан ижодий экспериментал бригада тузилган эди. Қисқа муддатда бу ижодий бригада йиллик иқтисодий самараси 14 минг сўмлик бўлган 11 та рационализаторлик таклифини жорий этди. Бу қимматли таклифлар қўл меҳнатини енгиллаштиришга, ремонт сифатини яхшилашга ва ишдан чиққан деталларни сифатли қайта тиклашга қаратилган.

Айни кунларда бригада коллективи Жмеринка (Украина ССР) депоси методи бўйича ремонт ишларини яхшилаш борасида иш олиб боряпти. Бу ишларни амалга оширишда бригадир И. Гридчин, слесарь А. Захаров ва бошқалар самарали ишлашяпти.

М. ҲАКИМОВ,
Тошкент тепловоз депоси слесари.

ҚИШЛОҚҚА — САМАРАЛИ ЁРДАМ

ТОШКЕНТЛИКЛАРНИНГ МИРЗАЧЎЛ ВА ЖИЗЗАХ ЧЎЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КУЧЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚЎШАЁТГАН ҲИССАСИ

Тошкент меҳнаткашлари дала ишларининг боришини диққат билан кузатиб боришяпти. Ахир, пойтахтдаги кўпгина ишлаб чиқариш коллективлари бу муҳим ишга дахлдордир. «Узбексельмаш», трактор, агрегат, «Ташхимсельмаш», «Ташсельмаш», «Узсельхозтехника»нинг тажриба-механика, экскаватор ремонти заводлари ва бошқа корхоналар деҳқонларни техника билан таъминлаш бўйича қўлларидан келган ҳамма ишни қилдилар. Бу пахта майдонларида баҳорги ишларнинг тез суръатлар билан боришини таъминлади.

Тошкентликлар Мирзачўлни ўзлаштиришни тугаллаш ҳамда КПСС XXV съезди қарорларида кўрсатилган Жиззах чўлини ўзлаштириш бўйича иш суръатларини янада оширишда самарали ёрдам беришга, шунингдек Жиззах ва Сирдарё области ишлаб чиқариш кучларини янада ривожлантиришга ёрдам беришга қарор қилишган. Жумладан, Тошкентнинг Киров райони — Зомин районини, Ленин райони — Октябрь районини, Фрунзе райони — Мирзачўл районини, Ҳамза райони — Пахтакор районини, Октябрь райони — Дўстлик районини, Чилонзор райони — Арнасой районини, Куйбишев райони — Ильичёвск районини, Собир Раҳимов райони — Оқ олтин районини, Сергели райони — Комсомольск районини оталиққа олган.

Бу муҳим халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган иш. Шаҳар район партия комитетлари яқин кунларда 1978 йилда оталиқдаги районларнинг қишлоқ хўжалигига, саноат ва транспорт корхоналари, қурилиш ташкилотлари, соғлиқни сақлаш, халқ маорифи ва маданий муассасаларига оталиқ ёрдами кўрсатиш бўйича конкрет тадбирларни ишлаб чиқишлари керак. Энг муҳими, пойтахтдаги корхоналар ва ташкилотлар ўзаро шартнома тузиб, оталиқларидаги хўжаликларга қандай ҳажмда ва нималар билан ёрдам кўрсатиш кераклигини аниқлаб олишлари лозим.

Бунда оталиқдаги хўжаликларнинг ишлаб чиқариш кучларини янада ривожлантиришга, қишлоқ кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, Мирзачўл ва Жиззах чўли ўзлаштирувчиларига маданий-маиший ва медицина хизматини яхшилашга алоҳида эътибор бериш лозим.

Ўзбекистон пойтахти меҳнат коллективлари «Ўроқ ва Болға» иттифоқига содиқ қолиб, оталиқдаги областларнинг ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшишлари лозим.

◆ «ЎРОҚ ВА БОЛҒА ИТТИФОҚИ» КУНДАН-КУНГА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

◆ ШАРТНОМАЛАРДА ДЕҲҚОНЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА АНИҚ ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНГАН

◆ ҚИШЛОҚҚА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР

«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси. Баҳорги экиш мавсумини юксак агротехника асосларида ўтказишга муносиб ҳисса қўшиш иштиёқида ёнган «Узбексельмаш» машинасозлари шу йилнинг фақат апрель ойида дала меҳнатчилари учун пландан ташқари 110 минг сўмлик турли хил техника етказиб бердилар.

1978 йил бошидан буён кенг ва тор қатор ораларига чигит экувчи 3.190 та сеялка тайёрлаб берилди. Корхона инженерлари мазкур агрегатларнинг конструкцияларга кўпгина ўзгартишлар киритишиб, уларнинг меҳнат унумдорлигини оширишга муваффақ бўлдилар.

Жиззах ва Сирдарё областларидаги колхоз ва совхоз чўлқуварларига юборилган экиш машиналари баҳорги экин экиш мавсумини тез ва соз ўтказишга яқиндан ёрдам берди.

Ҳозирда «Узбексельмаш» машинасозлари 1978 йилнинг охиригача мамлакатнинг пахтачилик районлари меҳнаткашларига яна 6,3 мингта сеялка етказиб бериш учун курашмоқда.

СУРАТДА: бош корхонанинг жўнатиш майдонидаги тайёр чигит экиш сеялкалари.

М. Нуриддинов фотолари.

Янги марраларни белгилашди

Бу йил Жиззах областининг Мирзачўл районига Тошкент шаҳрининг Фрунзе райони оталиқ қилади. Шаҳарликлар хўжаликларда бўлиб, қишлоқликларга оталиқ ёрдами кўрсатиш бўйича комплекс тадбирлар белгилашди.

Катта ҳажмдаги ишларни бажариш лозим. Жумладан, 1978 йилда юз ўринли молхона ремонтдан чиқарилади. Механика устахоналари учун 5 та металл қирқувчи станок ажратилади ва район қишлоқларига 35 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар ва турли асбоблар етказиб берилади.

Пахта йиғим-терими мавсуми бошлангунга қадар фрунзеликлар ўз оталиқларидаги хўжаликларга 25 та пахта комбайнини, тракторларни, автомобилларни ва прицепларни ремонт қилиб беришади. Бунинг учун район хўжаликларига 25 мутахассис ва ремонтчи ишчи юборилади.

Оталиқдаги хўжаликларга ғоявий ёрдам ҳам кўрсатилади. Жумладан, шаҳарликлар хўжаликларда кўргазмали агитацияни йўлга қўйишади, лекторлар ва пропагандистларнинг сафарларини ташкил этишади, «Ўроқ ва Болға» байрамини ўтказишда иштирок этишади, колхоз ва совхозларнинг марказий усадьбаларини, дала шийпонларини безашда иштирок этишади.

Қишлоқ қурилиши учун

Жиззах областининг Арнасой районидаги Юлиус Фучик номли совхоз меҳнатчилари мана уч йилдан буён «Главсредазирсовхозстрой»нинг «Промгражданстрой» трести коллективи билан дўстлик алоқаларини давом эттириб келишмоқда. Оталиқни зиммасига олган қурилиш трести бу йилги экин экиш мавсуми олдидан қишлоқ меҳнатчиларига 40 кубометр тилинган ёғоч материаллари ва тўсинбоп ёғоч, 300 килограмм бўёқ, шифер, плита ва бошқа қатор қурилиш материалларини етказиб беришди. Бундан ташқари иккита автомашина, автокран, пайвандлаш агрегати хўжаликнинг устхоналарига тақдим этилди.

Шу кунларда трестнинг маданий-оқартув ходимларидан иборат махсус бригадаси совхозга йўл олишга тараддуд кўрмоқда. Бу бригада дала шийпонларини, қишлоқ клубларини безашда қатнашади. Икки хўжалик ўртасида тузилган шартномага биноан пахта териш мавсумида ремонтчилар ёрдамга боради.

ПРАВДА саҳифаларида

● Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Швейцария меҳнат партияси XI съездининг делегатларига қизғин қардошлик саломини йўллайди ва съезднинг муваффақиятли иш олиб боришини чин кўнгилдан тилайди.

● КПСС делегацияси Греция Коммунистик партиясининг X съездида иштирок этиш учун 14 май куни Москвадан Афинага жўнаб кетди. Делегация шу куниёқ Афинага етиб келди. Аэропортда делегацияни Греция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Х. Флоракис ва партиянинг бошқа раҳбар ходимлари кутиб олдилар.

● «Партия ходимининг вақти» — газетанинг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

● Мамлакатимиз ҳаётига оид янгиликлар, чет эллардан олинган хабарлар эълон қилинган.

КИТОБ МАГАЗИНИ ОЧИЛДИ

БУГУН Тошкент медицина институтининг янги шаҳарчасида китоб магазини эшиклари очилди.

Шаҳар китоб савдоси бошқармаси ташкил этган бу магазин олиб ўқув юртининг ўқитувчилари, студентлари, шифохоналари мутахассислари учун қулай бўлди. Магазинда медицина адабиётларига кенг ўрин берилган. У шаҳримиз, мамлакатимиз ва чет элларда чиқарилган тиббиёт адабиётлари билан таъминланган. Бундан ташқари оммавий-сиёсий техника, бадиий адабиёт бўлимларидаги китоблар ҳам ўқувчиларни қизиқтирмоқда.

Ҳозир шаҳарда 40 га яқин китоб магазини ва 60 дан ортиқ китоб киоскаси ишлаб турибди.

Бу йил шаҳар аҳолисига 7 миллион 130 минг сўмлик моллар, шу жумладан 4 миллион 832 минг сўмлик китоб сотилади.

ПОТОКДА ЯНГИ ПОЙАФЗАЛ

«СССР Конституциясининг бир йиллигигача — уч йиллик планни бажарамиз!» шиори остида меҳнат қилаётган кўн-галантерея фабрикасининг Нафиса Собирова, Муқаддас Қўчқорова, Малика Исмоилова каби пешқадамлари **БУГУН** **зарбдор меҳнат йилининг сентябрь ойи ҳисобига дастлабки маҳсулотни топширишди.**

Ишлаб чиқариш пешқадамлари вақтдан, хом ашёдан, илғор иш усулларидан моҳирона фойдаланаётганликлари туфайли янги меҳнат зафарларини қучишмоқда. Фабрика меҳнат аҳли, айниқса буюмлар ассортиментини кенгайтиришга эътиборни кучайтирмоқда. Бу борада коммунист А. Назруллаев ва С. Шермуҳамедов бошлиқ миллий пойафзал ва тери цехлари, шунингдек экспериментал цех коллективлари жонбозлик кўрсатишмоқда.

Яқинда пойафзал фабрикасининг бош потогида аёлларнинг яна бир янги туфлиси пайдо бўлди.

Бу пойафзал аёлларнинг эски миллий туфлиси бўлиб, унинг моделини мастер А. Жамилов такомиллаштирган. Қулай ва ихчам бўлган бу туфли чармдан тикилган бўлиб, лакланган. Коллектив май ойида янги пойафзалдан 1000 жуфт тайёрлаб беради.

ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Узбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигига қарашли «Узавторемонт» саноат бирлашмасининг Тошкентдаги 8-экспериментал-ремонт заводи коллективи билан Жиззах область Октябрь районидаги 24-совхоз коллективлари ўртасида шу йилнинг март ойида оталиқ ёрдами кўрсатиш бўйича тузилган шартнома мана шундай ғоя билан суғорилган. Утган йили ташкил этилган бу хўжалик 1978 йилда давлатга 2400 тонна пахта топшириш мажбуриятини олган. Техника ва механизмларни «оқ олтин»ни йиғиб-териб олиш мавсумига тайёрлашда оталиқ қилувчи корхона анча иш қилиши керак.

Бунинг учун завод томонидан хўжаликка йилига 10 минг сўмлик ёрдам кўрсатиш бўйича тадбирлар комплекси ишлаб чиқилди. Заводликлар чўлқуварларга барча осма электр ускуналарни, автомобиль ва тракторларнинг аккумуляторларини ремонт қилиб беришни ваъда қилишди. Барча ишлар корхонанинг ички имкониятлари ҳисобига бажарилади.

Шу кунларда оталиқдаги хўжаликда заводнинг пайвандчи ва слесарлари меҳнат қилишяпти. Тошкентликлар маданий-оммавий ва сиёсий ишларни ўтказишда ёрдам беришни ҳам унутишмади. Жумладан, совхоз меҳнаткашлари учун социалистик мусобақа натижалари якунланадиган чиройли металл стенд тайёрлаб берилди.

Бу йил авторемонтчилар Сирдарё ва Жиззах областининг хўжаликларида бир минг сўмликдан кўпроқ турли ишларни бажаришади.

Долзарб палла

«Узсельхозтехника»нинг Қўйлиқдаги тажриба-механика заводи коллективи учун март-апрель ойлари энг долзарб палла ҳисобланади. Тракторларнинг «юраги» саналадиган двигателларни ремонт қилиш билан шуғулланадиган коллектив далаларда экиш-тикиш ишлари давом этаётган шу кунларда тобора кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳаракат қиляпти. Март ойида ремонтчилар 600 та двигателни сифатли ремонт қилиб, буюртмачиларга жўнатишганди. Апрель ойида 625 та двигателни қўлдан чиқариб, 50 минг сўмликка яқин эҳтиёт қисмлар тайёрламоқчи. Ҳозир бу ерда ҳар куни конвейердан 28—29 та мотор туширибь олиняпти. Коллективнинг йил бошидан бери колхоз ва совхозларга жўнатган двигатели 2300 тадан ортиб кетди.

Шу йил бошидан заводда двигателларнинг ёнилғи насослари, плунжерлари ва поршен группаларини тайёрлаш йўлга қўйилиб, ишлаб чиқарилаётган эҳтиёт қисмлар номенклатураси кенгайди.

Корхонада беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун кенг қулоч ёйган социалистик мусобақада слесарь Ш. Маҳмудов, силлиқловчи П. Кузоверов, токарлар А. Полев, Ю. Маҳмуджоновлар пешқадамлик қилишяпти. Бу азаматлар вақтдан унумли фойдаланиш, меҳнатнинг илғор усулларини жорий этиш туфайли смена топшириқларини 130—135 процентга етказиб адо этяптилар.

ДЎСТЛИК ИПЛАРИ

Мана бир неча йиллардирки, заводимиз коллективи Жиззах область Жиззах районидаги В. И. Ленин номли колхозга ҳар томонлама самарали оталиқ ёрдами кўрсатиб келяпти. Чўлқуварлар шунинг учун ҳам биз тракторсозлардан мамнун бўлишмоқда. Корхонамиз коллективи дала меҳнаткашларига фақат қишлоқ хўжалик машиналари ва эҳтиёт қисмлар етказибгина қолмасдан, балки техникани ремонт қилишда, «оқ олтин»ни териб олишда ва бошқа материаллар билан таъминлашда яқиндан кўмаклашмоқда.

Жумладан, ўтган йилги шартномага кўра заводимиз коллективи совхозга фақат турли хил материаллардан 6270 сўмликдан зиёдини етказиб берди. Шунингдек, техникани ремонт қилишда, ҳосилни йиғиб-териб олишда актив иштирок этди.

«Ўроқ ва Болға» иттифоқига содиқликларини намойиш этаётган корхонамиз ишчи-хизматчилари бу йил ҳам чўлқуварлар билан оталиқ ёрдами кўрсатиш бўйича шартнома имзолаб олганлар. Шартнома тузишдан аввал корхонамиз вакиллари мазкур колхозда бўлишиб, иш ҳажмини белгилаб олдилар ва шунга кўра бу йил колхозга оталиқ ёрдами кўрсатиш программаси ишлаб чиқилди.

Беш йилликнинг зарбдор меҳнат йилида колхозга ҳар йилгидан кўпроқ ёрдам кўрсатилади. Зарбдор меҳнат йилида чўлқуварларга 20 минг сўмликка яқин эҳтиёт қисмлар, буюмлар, турли хил қурилиш-ремонт материаллари ва колхоз буюртмасига кўра, металл қирқадиган асбоблари етказиб берилади.

Бундан ташқари тракторсозларимиз қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилишга ёрдам бериш билан бирга, 2500 тонна сабзавот ва мевани ҳамда «оқ олтин»ни йиғиб-териб олишда иштирок этадилар.

С. ЮНУСОВ,
СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводининг 22-цех фрезерчиси, Меҳнат Қизил Байроқ ва III даражали Меҳнат Шуҳрати орденлари кавалери.

ИЛК МАДАД

Ҳамза районидаги йирик ишлаб чиқариш корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг ремонтчи мутахассисларидан иборат махсус бригада куни кеча Жиззах областининг Пахтакор райони хўжаликларига — дастлабки мадад кўрсатганидан кейин шаҳарга қайтиб келди.

Ҳамза райони ва Пахтакор райони ўртасида тузилган ўзаро алоқа ва дўстлик ёрдами шартномасига биноан бу йилги тадбирлар амалга оширила бошланди. Ҳамзалик саноатчилар қишлоқ жойларда экин экиш мавсумида 31 та дала шийпонини қуриб бердилар ва ремонтдан чиқардилар.

Бундан ташқари қишлоқ хўжалик техника устахоналарининг 13 та двигатели ремонтдан чиқарилди. Кўкламги экин экиш ишларини олиб боришда олтита автолитучка, тўртта бензовоз, иккита водовоз қатнашди.

Ҳамза районининг парфюмерия-косметика фабрикаси, «Узсельхозтехника»нинг тажриба-ремонт механика заводи, «Главснаб»нинг автомобиль корхонаси, 4-ун маҳсулотлари комбинати, Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, тепловоз депоси ва бошқа корхоналарнинг техника хизматчилари ўзларининг юмушлари билан дала меҳнатчиларини мамнун этишди.

Икки район шартномасига биноан бу йил Пахтакор районидаги қишлоқларга 300 минг сўмлик ҳар хил техника ёрдами кўрсатилади. Ёз пайтида бадиий ҳаваскорлик коллективлари махсус программада дала шийпонлари бўйлаб концерт беришади.

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси 2-тўқув участкасининг зарбдор ўровчиси Доно Зокирова шахсий беш йиллик топшириқларини 3,5 йилда бажариш мажбуриятини олган. Аҳдига вафодор комсомол аъзоси смена топшириқларини мунтазам ортиғи билан адо этмоқда.

СУРАТДА: Доно Зокирова.

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

АФҒОНИСТОН: РЕВОЛЮЦИЯНИНГ ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАРИ

1978 йил 27 апрель куни Афғонистоннинг социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим босқич бўлиб қолди. Шу куни мамлакатда тараққийпарвар революцион-демократик кучлар ҳокимият тепасига келишди. Улар мамлакатни Афғонистон Демократик Республикаси деб эълон қилдилар. Нурмуҳаммад Таракий Революцион кенгашнинг раиси ва республика ҳукуматининг бошлиғи қилиб сайланди.

27 апрель воқеалари чуқур социал ва иқтисодий омиллар туфайли рўй берди. Маълумки, мамлакатдаги бутун ҳокимият 1973 йилгача консерватив феодал-монархиянинг юқори қатламлари қўлида эди. Улар меҳнаткаш халқни шафқатсиз эксплуатация қилдилар. Бундан беш йил муқаддам монархия ағдариб ташланди. Монархия ўрнига М. Довуд бошчилигида ҳокимият тепасига келган режим Афғонистонни республика деб эълон қилди ва бир қанча туб ўзгаришларни амалга ошириш ниятида эканлигини билдирди. Аммо кейинги воқеалар бу ваъдаларнинг бажарилмай қолганлигини кўрсатди. Туб социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий проблемалар ҳал этилмади. Бунинг натижасида кескин ўзгаришлар ясаш учун замин вужудга келди.

27 апрель революциясига оғир проблемалар мерос бўлиб қолди. Мамлакатда меҳнатга қобилиятли аҳолининг ўндан саккиз қисми қишлоқда яшайди. Лекин ҳамма ерларнинг 10 процентигина ишлаб экин экишга яроқлидир. Бу ерларнинг кўп қисми помешчикларнинг мулки бўлиб қолаверди. Мамлакат аҳолисининг қарийб ўндан тўққиз қисми саводсиз.

Мамлакатнинг янги раҳбарлари ўз олдиларида турган қийинчиликларни яхши биладилар. Нурмуҳаммад Таракий Қобул радиоси орқали сўзлаган нутқида деҳқонларнинг манфаатларини кўзлаб демократик ер ислоҳотини амалга оширишни, мамлакатдаги табиий бойликларини назорат остига олишни, саводсизликка қарши курашни янги ҳукумат олдида турган биринчи навбатдаги вазифалар деб эълон қилди. Илгари мамлакатда ҳукмрон бўлган Нодиршоҳ сулоласи аъзоларининг мол-мулкларини мусодара этиб, кейинчалик национализация қилиш ҳақидаги қарор дастлабки фармойишлардан бири бўлиб қолганлиги тасодифий бир ҳол эмас.

Ташқи сиёсат соҳасига келганда шуни айтиш керакки, янги демократик раҳбарлик тинч-тотув яшаш принципларига амал қилиб, региондаги барча мамлакатлар билан, шу жумладан, Совет Иттифоқи билан яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, блокларга қўшилмаслик, позитив бетарафликдан иборат тинчликсеварлик сиёсатини амалга оширажагини билдирди.

Халқаро майдонда бундай ташқи сиёсий йўлга ижобий баҳо берилди. Кўп давлатлар янги ҳукуматни таниди. Совет раҳбарлари Революцион кенгаш ва Афғонистон Демократик Республикаси ҳукуматининг бошлиқларига йўллаган табрик телеграммасида ҳар икки мамлакат ўртасида тенглик, яхши қўшничилик, миллий суверенитетни ҳурмат қилиш ва ички ишларга аралашмаслик принциплари асосида мустаҳкам тинчлик ва самарали ҳамкорлик муносабатлари ривожланиб мустаҳкамланиб боради, деб қатъий ишонч билдирдилар.

С. СТОКЛИЦКИЙ,
ТАСС шарҳловчиси.

ЙИЛЛИК ПЛАН— МУДДАТИДАН ИЛГАРИ
МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

ЛЕНИН, ФРУНЗЕ ВА СЕРГЕЛИ РАЙОНЛАРИ МУСОБАҚАСИ

САФИМИЗДА БИРОРТА ҚОЛОҚ БЎЛМАСИН

Уч мусобақадош район меҳнаткашлари майолди зарбдор вахтасини муваффақиятли якунладилар. Тўрт ойлик план муддатидан илгари уддаланди. Пировардида саноат корхоналари пландан ташқари 5.976 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Бу эса социалистик мажбуриятда кўзда тутилганидан 640 минг сўмлик кўп демакдир.

Шуниси характерлики, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш ва буюмлар реализация қилиш ҳажми бу ерда 7,4 миллион сўмликдан зиёдга ўсди. Бунинг асосий қисмига меҳнат унумдорлигини ўстириш туфайли эришилди.

Бундай муваффақиятга эришишда «Қолоқларсиз ишлайлик!» шиори остида авж олдириб юборилган мусобақа қўл келди.

Аниқроқ қилиб айтганда, бу қимматли ташаббуснинг самараси Фрунзе район меҳнат коллективларида ишчи кадрларни тайёрлаш системасини такомиллаштиришда ва уларнинг ишлаб чиқариш малакасини оширишда яққол кўзга ташланди. Жумладан, бу ерда фақат бригада ва шахсий ўқув методлари бўйича, шунингдек ҳунар-техника билим юртларида 1 мингдан зиёд ёш ишчи кадр тайёрлаб берилди. Бундан ташқари коммунистик меҳнат мактабларида, малака ошириш курсларида 3,5 минг нафар ишчи ўз малакасини оширмоқда. 700 нафар мураббий ҳозирда мингга яқин ёш ишчига мураббийлик қиляпти.

Шаҳарда биринчилар қатори «Қолоқларсиз ишлайлик!» шиори остида ҳаракат бошлаган «Таштекстильмаш» заводида ва 1-пойафзал фабрикасида индивидуал ўқув самараси бир мунча юқори бўлди.

Ленин районида эса 18 та корхона, 132 та цех, 276 та участка, 849 та бригада ростовлик ҳамда янгийўлликларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлайди. Бу ташаббуснинг кенг қулоч ёйишида кўпгина меҳнат коллективлари ўз зиммаларига СССР янги Конституцияси кунигача беш йилликнинг уч йили планини бажариш мажбуриятини олишлари катта роль ўйнади. Бу районда 17 та цех, 30 та участка, 50 дан зиёд бригада ана шундай ташаббус билан чиқди.

Мусобақада станокчи Владимир Кувшинников, созловчи Акбар Муҳамедов, бўёқчи Валентина Лошак, тикувчи-мотористка Зинаида Лебедева, фрезерчи Файзулла Алимов ва бошқалар пешқадамлик қилишяпти. Шуниси диққатга сазоворки, бу илғорларнинг ҳаммаси мураббийлар бўлиб, ўзларининг бой тажрибаларини ёшларга қунт билан ўргатишга, уларнинг ўз устозлари эришаётган юксак марраларни забт этишларига яқиндан ёрдам беришмоқда.

Ҳар бир иш жойида меҳнатни аниқ ташкил этиш, сифатли маҳсулот тайёрлаган ҳолда юксак унумдорликка эришиш корхоналарнинг муваффақиятларга эришишида катта аҳамиятга эга бўляпти. Мусобақадош районларда бирорта ҳам қолоқ завод, фабрика ва бирлашма йўқ.

Мажбуриятларни муваффақиятли бажаришда «Таштекстильмаш», республика қурилиш министрлигининг экспериментал-механика, резина-техника буюмлари, картон таралари, ғўзапоядан прессланган плита ишлаб чиқарувчи заводлар, «Қизил тонг» ва «Октябрь 50 йиллиги» номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқа корхоналар бир мунча юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Шуниси муҳимки, кўпгина корхоналар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кам маблағ сарфлашиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ҳажмини 10—45 процентга кўпайтирдилар. Улар орасида қурилиш саноати материаллари бирлашмасининг тажриба-механика заводи, картон таралари, экспериментал фурнитура-механика, ғўзапоядан прессланган плита ишлаб чиқарувчи заводлар, электр. энергетика жиҳозларини созлаш ва ремонт қилиш корхонаси, Модалар уйи ва бошқа корхоналар бор.

Бироқ, айрим меҳнат коллективлари қабул қилинган социалистик мажбуриятларининг муҳим бандини — пландан ташқари маҳсулот реализация қилиш вазифасини бажара олмадилар. Химия - фармацевтика, «Узавторемонт»га қарашли 8-экспериментал механика, қуёш тўсқич мосламалари заводлари, тўқимачилик комбинати ва бошқа корхоналар шулар жумласидандир.

Яна шу нарсага — мусобақадош районлардаги бешта цех, 49 та участка ва бригада, 500 га яқин ишчининг тўрт ойлик топшириқларни бажаролмаганлигига эътиборни қаратиш керак. Ўз-ўзидан «Нима учун бажарилмади? — деган савол туғилади. Афтидан улар «Қолоқларсиз ишлайлик!» шиорига кам эътибор беришган, шекилли. Бу чақириққа қўшилиш учун аниқ ташкилий ва тарбия ишларини яхши йўлга қўйиш, ҳар бир участкада ишлаб чиқариш топшириқларини сўзсиз бажариш учун аниқ шарт-шароитларни вужудга келтириш керак.

Қолоқларсиз ишлаш — меҳнат интизомини кучайтиришни, моддий-техника таъминотини яхшилашни, технологик жараёнларнинг сифатини ҳамда меҳнатни ташкил этиш даражасини такомиллаштиришни тақозо этади. Буларнинг ҳаммаси завод, фабрика ва бирлашмаларнинг план, техника ва таъминот хизмати бўлимларининг, мусобақа ташкилотчиларининг энг масъулиятли вазифасидир.

Корхона раҳбарлари ўтган тўрт ойдаги ишлаб чиқариш, хўжалик-иқтисодий фаолиятларини анализ қилиш билан бирга, қолоқ участка ва бригадаларни техника воситалари, малакали ишчи-кадрлар билан таъминлашга, ёш ишчиларга илғорлар тажрибасини ўргатишга ва уларни тарбиялашга асосий эътиборни қаратмоқлари лозим.

Шу билан бирга белгиланган номенклатура бўйича кам маблағ сарфлаб, кўплаб, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлашга асосий эътиборни қаратмоқлари керак. Бу айниқса тепловоз-вагон ремонти заводи коллективига тегишлидир. Бу коллектив фақат биринчи квартал мобайнида маҳсулот таннархини 133 минг сўмликка қимматлаштириб юборди. Бу борада абразив буюмлари комбинати (19 минг сўмлик), пластмасса буюмлари ва рўзғор химияси заводи (71 минг сўмлик) ҳам «рекорд қўйишди».

1978 йилнинг январь-апрель ойлари кўрсаткичлари	Ленин райони	Фрунзе райони	Сергели райони
Маҳсулот реализация қилиш бўйича планнинг бажарилиши [процентларда]	102,9	101,7	102,9
Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича планнинг бажарилиши [процентларда]	101,7	102,6	103,2
Ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ўсиш суръати [процентларда]	108,3	101,5	106,6
Меҳнат унумдорлиги бўйича планнинг бажарилиши [процентларда]	102,0	103,4	105,0
Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан [процентларда]	108,6	103,9	104,8
Меҳнат унумдорлигининг ортиши ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши [процентларда]	100,0	100,0	74,2
Планни бажармаган корхоналар:			
а] реализация бўйича бажармаган [минг сўм ҳисобида]	—	—	—
б] ишлаб чиқариш ҳажми бўйича	1	—	1
в] меҳнат унумдорлиги бўйича	1	1	—
Маданий-маиший моллар ишлаб чиқариш [планга нисбатан процент ҳисобида]	102,4	99,9	100,5
Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маданий-маиший моллар ишлаб чиқариш суръатининг ўсиши [процентларда]	107,2	114,0	104,3
Планни бажармаган:			
— цехлар	4	1	—
— участка ва бригадалар	32	6	11
— ишчилар	362	79	53
Қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиши [марказлашган молиявий манбалар] 1978 йилнинг январь-март ойлари кўрсаткичлари [процентларда]	118,0	110,0	110,0
Турар жойни фойдаланишга топшириш планининг бажарилиши [процентларда] 1978 йилнинг январь-март ойлари	100,0	—	147,0

Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 1-филиалда кўплаб пешқадам комсомол-ёшлар меҳнат қилишади. Ана шулардан бири тикувчи Насиба Азимовадир. Насиба ҳали ёш бўлишига қарамай корхона пешқадамлари билан теппа-тенг меҳнат қиляпти. Илғор комсомол аъзоси шу кунларда смена топшириқларини 40 процентга ошириб адо этиб, СССР Конституциясининг бир йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун курашмоқда.

СУРАТДА: Н. Азимова.

Х. Мирзакаримов фотоси.

МЕЪМОР ЎЙЛАРИ

Архитектура — замон кўзгуси

Қатрада қуёш акс этганидек, меъморчилик иншоотларида замон руҳи, нафаси халқимизнинг ўтмиши, ҳозирги куни ва келажаги ифодаланади. Тошкентдаги маъмурий ва турар жой бинолари архитектурасида халқ меъморчилигининг энг яхши анъаналарини кўриш мумкин.

Владимир Ильич Ленин Марказий музейи филиалини олайлик. Бу бинода, ундаги экспонатларда фақатгина пролетариат доҳийси В. И. Лениннинг ҳаёт йўлигина акс этмай, балки бутун совет халқининг ҳаёт йўли, орзу-ўйлари, кураши, ғалабаси ва инсоният келажаги акс эттирилган. Чунки Лениннинг ҳаёт йўли халқ ҳаёти билан чамбарчас боғлиқдир. Музейнинг ташқи кўриниши ўзининг улуғворлиги билан атрофидаги иншоотлардан ажралиб туради. Кенг ва салобатли зиналар тантанаворлик руҳини бағишласа, халқ усталари ишлашган ўймакорлик нақшлари берилган эшиклари нақшинкор мармар панжаралар билан уйғунлашиб миллий калорит тусини беради. Бино олдидаги фавворалар ёзнинг иссиқ кунида кишининг баҳри-дилини очади, атрофи кўкаламзорлаштирилганлиги музейнинг доимий одамлар билан гавжум бўлиб, кишиларнинг маънавий ва маданий ҳордиқ чиқарадиган оромгоҳига айланиб қолганлигидан далолат беради.

Ленин хиёбонидаги «Зангори гумбаз» кафе-ресторани ва ёнидаги чойхона архитектураси хусусида ҳам илиқ фикрларни айтиш мумкин. Бинонинг гумбази мовий рангда бўлиб, осмон гумбази билан уйғунлашиб ажойиб манзара кашф этади. Нозик устунлар бинога қандайдир енгиллик бахш этади. Кафе олдидаги кўм-кўк ҳовуз унинг микроиқлимини яхшилаб, кишига роҳат бахш этади. Кафе гумбазлари ички тарафидан миллий ганч ўймакорлиги намуналари билан безатилган. Ярим доира шаклида ишланган палов, сомса ва кабоб тайёрлаш расталари унга файз бағишлайди.

«Зангори гумбаз» комплексидаги чойхона ҳам ўзига хос дид билан ишланган. Бинонинг ташқи кўриниши ўзининг кўркамлиги билан киши диққатини ўзига тортса, ундаги миллий ўймакорлик услубида ишланган устунлар ва пештоқидаги нақшинкор тўсинлар «қоши», ўймакорлик эшиклари, бино ичидаги миллий тоқилар, қандиллар, панжара, супалар, деворда осилган безакли сопол лаганлар ҳамда чойхоначининг пештахтаси олдидаги мисдан ишланган панжаралар барчаси уйғунлашиб, кишиларнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун шинам муҳит яратади. Чойхона олдидаги супалар, миллий ишком типидаги соябонлар, ҳовуз ва кўкаламзор майдончалар ёзнинг жазирама иссиғида роҳатланиб ҳордиқ чиқариш учун хизмат қилади.

Комплексдаги болалар майдончаси, «Рус боғи», «Француз боғи», «Япон боғи» ва бошқа кичик меъморчилик шакллари дам олувчилар хизматидадир.

Юқорида таҳлил қилинган бинолар шакли ва мазмуни жиҳатидан бир-бири билан узвий боғланиб, бинонинг архитектурик кўринишига миллий калорит ва монументаллик бахш этиб, ягона меъморчилик иншоотини ташкил этади.

Тошкент шаҳрида бунёд этилаётган биноларда айрим хато ва камчиликлар ҳам кўзга ташланиб қолади. Масалан «УЗНИИПградостроительство» лойиҳа институти томонидан яратилган Ленин проспекти ва Навоий кўчалари чорраҳасида жойлашган Савдо палатаси биноси битгунга қадар бир неча бор реконструкция қилинди. Авалига бинонинг ғарбий томонидаги офтобдан ҳимоя воситалар олиб ташланди, сўнгра бинонинг учбурчак қисми конструктив элементлар билан тўлдирилиб, тўғри тўртбурчак шаклига келтирилди. Кейинроқ лойиҳа қайта ишланиб, бино атрофи оғир ва монументал устунлар билан ўралиб, айвон ҳосил қилинди. Албатта, бу ўзгаришлар давлат маблағини беҳуда сарфлаш эвазига амалга оширилди. Тўғри, бир қарашда бино содда, «ишчан» кўринишга эга, аммо унинг монументал устунлари, қўпол ишланган балконлари ва болахонаси бинони ниҳоятда оғир қилиб кўрсатади.

Тошкент шаҳрида бунёд этилган ва этилаётган бинолар тўғрисида жуда кўп фикр юритиш, мунозара қилиш мумкин. Чунки, бу бинолар архитектураси замонамиз кўзгусидир.

А. АСҚАРХЎЖАЕВ,
«Узгипроавтодор» лойиҳа институтининг архитектори.

БИР ЙЎЛА ИККИ ДИПЛОМ

Улуғбек номидаги Фарғона педагогика институти студентларининг тўртдан бир қисми бирваракайига иккита диплом олади. Бири танлаган ўқитувчилик касби тўғрисидаги диплом бўлса, иккинчиси жамоатчи касби тўғрисидаги дипломдир. Бу ерда очилган жамоатчи касблари факультетида пропагандист-лектор журналист, пионер вожатий, спорт судьяси ва инструктори, бадиий ҳаваскорлик тўгараги раҳбари, кино-фото мутахассиси, экскурсоводлар тайёрлайдиган 9 та бўлим бор. Шу факультетда 400 дан ортиқ студент касб ўрганмоқда.

●

Янги ўқув қўлланмалари

«Узбекистон» нашриёти чиқарган ўқув қўлланмалари рўйхатига янги китоб ёзиб қўйилди. Узбек тилига таржима қилинган сиёсий иқтисодий фундаментал дарсликнинг биринчи томи босмахона конвейеридан тушди. Бу дарслик олий ўқув юртларининг ишлаб чиқаришнинг капиталистик усулини ўрганувчи студентларига мўлжалланган. Яқинда дарсликнинг «Социализм-коммунистик ишлаб чиқариш усулининг биринчи босқичи» деган иккинчи томи ишлаб чиқарила бошланди.

Узбек тилига таржима қилинган «КПСС тарихи» китоби босмага топширилди. Бу китобга КПСС нинг тарихий XXV съезди ҳақида алоҳида боб киритилган.

●

Меҳнатнинг тағи — роҳат

Тошкентдаги 69-мактабнинг юқори синф ўқувчиларидан бир группаси имтиҳонларни топшириб бўлгандан кейин Ленинградга қизиқарли саёҳатга боришга қарор қилдилар. Улар шанба ва якшанба кунлари «Ташсельмаш» заводида ишлаб топган пуллари ҳисобига Ленинградни бориб кўрадилар. Бу завод 69-мактабга оталиқ қилмоқда ва ўқувчиларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашга катта эътибор бермоқда.

(УзТАГ).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Партия йиғилишининг обрўси

«Узэлектромонтаж» махсус трестининг ишга тушириш ва созлаш бошқармаси республикамиздаги саноат корхоналарида электр асбобларини созлаш ишларини бажаради. Шу жумладан, бошқарма коллективи Тошкентда метронинг ишга туширилишида, «Ленинград» меҳмонхонаси, Сергелидаги мебель фабрикаси ва бошқа корхоналар қурилишида айниқса жонбозлик кўрсатди. Коллектив ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йили ишлаб чиқариш планларини 107,2 процент адо этди. Пудрат ишлари ҳажми 66 минг сўмга ўсди. Ремонт-қурилиш ишлари таннархи 0,2 процент камайтирилиб, меҳнат унумдорлиги эса 1,7 процент ошди.

Бу муваффақиятларни қўлга киритишда бошқарма коммунистларининг роли каттадир. Бу ерда 36 коммунист бўлиб, уларнинг кўпчилиги бевосита ишлаб чиқаришда ишлайдилар ва ҳақли равишда катта обрў қозонганлар.

КПСС Марказий Комитетининг Ярославль шаҳар партия ташкилотида партия йиғилишларини тайёрлаш ва ўтказиш тажрибаси тўғрисидаги қарорини бажара бориб, бошқарма партия бюроси қатор тадбирларни амалга оширди. Бу тадбирлар партия йиғилишларини коммунистларнинг меҳнат ғайратини ошириш, уларни қабул қилинган қарорларни бажаришга, ижтимоий ишлаб чиқаришни тинмай ўстириш учун курашга сафарбар этишнинг таъсирчан воситасига айлантиришга қаратилган.

Бошқарма партия бюроси йиғилишларни ўтказишга ижодий ёндошмоқда, ҳар бир йиғилиш ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун, коммунистларнинг активлигини ошириш, бутун коллективни тарбиялаш учун муҳим аҳамият касб этишига интилмоқда ва кўп ҳолларда бунга эришмоқда.

Масалан, коллективда халқ контроли ишининг аҳволи ва унинг КПСС XXV съезди қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисидаги масала муҳокама қилинган партия йиғилишига пухта тайёргарлик кўрилди. Уни тайёрлашда коммунистлардан: халқ контроли группасининг раиси Н. Аношин ва В. Литвинов актив қатнашдилар. Йиғилишдаги кун тартибига ҳеч ким бефарқ қарамади, одатда гапга аралашмайдиганлар ҳам сўзга чиқди. Коммунистлардан А. Киха, М. Дошевский ва бошқалар ўз дилидаги гапларни айтишди, халқ назоратчилари фаолиятидаги ютуқ ва камчиликларни таҳлил қилиб, уни янада яхшилаш юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди. Коллектив фикри асосида вужудга келган йиғилиш қарори халқ назоратчиларининг ишини янада яхшилаш юзасидан партия ташкилоти олиб борадиган ишнинг конкрет программаси бўлиб қолди.

Коммунистлар томонидан шу йиғилиш қарорининг қатъий ва изчиллик билан бажарилиши яхши натижалар берди. Халқ назоратчиларининг текшириш юзасидан актларига илгари ўз вақтида чоралар кўрилмас эди. Энди бу камчилик йўқотилди. Ҳозир бошқармада 12 жойда халқ контроли постлари ишлаб турибди, уларнинг у ёки бу текшириш юзасидан сигналлари ўз вақтида кўрилиб, тегишли чоралар кўрилмоқда.

Ёки бошқа бир мисолни олайлик. Бошқарма коллективининг меҳнат активлигини оширишда, меҳнат интизомини мустаҳкамлашда касаба союз ташкилоти қандай роль ўйнаётгани тўғрисидаги масала партия йиғилишида муҳокама қилинди. Касаба союз комитети раиси, коммунист М. Штейн комитет иши ҳақида доклад қилди. Йиғилишда коммунистлардан Ю. Васин, В. Якимов, У. Мересаев ва бошқалар сўзга чиқиб, маҳаллий комитет фаолиятидаги ютуқ ва камчиликларни айтиб ўтдилар.

Партия йиғилишларининг мазмунли ва самарали ўтиши кун тартибининг тўғри танланишига боғлиқдир. Бошқарма партия бюроси бу масалага жиддий эътибор беради. Бу ерда йиғилишларнинг кун тартиби пухта ўйлаб танланади. Одатда кун тартибини партбюро тавсия этади. Лекин бу йиғилишларда муҳокама қилинадиган масалаларни танлашда коммунистлар қатнашмаяптилар деган гап эмас, асло! Аксинча, партбюро йиғилишларига масалалар тайёрлашда коммунистларнинг таклиф ва мулоҳазаларига диққат билан қулоқ солинади. Бошқарма партия ташкилоти ўзининг 1977 — 1978 йил иш планини тузишда ҳам кўпгина коммунистларнинг таклифларини ҳисобга олди.

Перспектив планга мувофиқ партия умумий йиғилишларида «Созлаш ишлари сифатини оширишда коммунистларнинг роли», «Коммунистлар томонидан партия топшириқларининг бажарилиши ва уларнинг бошқарманинг жамоат ишларидаги иштироки», «Коммунистларнинг сиёсий ўқуви» ва бошқа шу сингари актуал масалалар муҳокама қилинди.

Ҳар бир коммунист беш йилликнинг зарбдор учинчи йилида янги меҳнат зафарларига эришишга аҳд қилди. Коллектив беш йилликнинг уч йили планини СССР янги Конституцияси қабул қилинган куннинг бир йиллигигача, йиллик планни эса 20 декабрда бажаришга сўз берди. Фойдаланилмаётган резервларни ишга тушириш, янги технологияни жорий этиш, меҳнатни яхши ташкил этиш ҳисобига меҳнат унумдорлиги анча ошади.

Партия бюроси юксак мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилиши учун коллективда социалистик мусобақани авж олдириб юборди, бунда коммунистларнинг авангард ролини таъминлашга эришяпти. Ҳозир коллектив ўртасида коммунистик меҳнат ҳаракати авж олиб кетди. Бу ҳаракатда бошқарма ходимларининг 96 проценти қатнашяпти. Ҳозир улар «Коммунистик меҳнат коллективи» номини олиш учун курашишяпти. 17 ишлаб чиқариш участкасидан ўн биттасига «Коммунистик меҳнат участкаси» номи берилган.

Партия умумий йиғилишларида вақти-вақти билан коммунистларнинг Устав талабларини қандай бажараётгани, топширилган иш учун масъулият сезиб ишлаётгани, мусобақани ривожлантиришга қандай ҳисса қўшаётгани тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиб туриш ҳам яхши натижа беряпти.

Ибратли тадбирлар коммунистларнинг активлигини оширишга катта таъсир кўрсатяпти. Йиғилишларда сўзга чиқувчилар сафи кенгайди. Масалан, 1976 йилда партия йиғилишларида сўзга чиқувчилар сони ҳар гал ўртача 3— 4 кишини ташкил қилса, бу рақам ўтган йили 6 кишига етди. Музокаралардаги нутқларнинг мазмуни яхшиланиб, улар жанговар тус олмоқда. Коммунистлардан— созловчилар В. Смирнов, В. Якимов, механик В. Головянц, прораб Г. Эльберт, инженер А. Иванов сингари кўпгина ўртоқлар тез-тез амалий таклифлар билан сўзга чиқадиган бўлиб қолдилар.

КПСС Марказий Комтетининг Тамбов область партия ташкилотида танқид ва ўз-ўзини танқиднинг аҳволи тўғрисидаги қарори асосида йиғилишлар қизғин ўтмоқда. Илгари танқид кўпинча умумий тусда олган бўлса, энди кишиларнинг камчиликлари номма-ном танқид қилинмоқда. Ҳозир коллективда амалий, принципиал танқидни авж олдириш учун вазият вужудга келган.

Фрунзе район партия комитети бюросининг мажлисида КПСС Марказий Комитетининг Ярославль шаҳар партия ташкилотига оид қароридаги тавсияларни бажаришда бошқарма партия бюроси эришган тажрибаларни қайд қилиш билан бирга, партия ташкилоти ишида мавжуд бўлган баъзи бир камчиликларни ҳам кўрсатиб берди.

Йиғилишлар КПСС XXV съезди талабларига мувофиқ ўтказиладиган бўлиши учун, қарорларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда барча коммунистларнинг актив иштирок этишига эришиш учун кўп куч-ғайрат сарфланмоқда.

С. НИШОНБОЕВ,
«Тошкент оқшоми»нинг жамоатчи мухбири.

Экскаватор заводи экспорт участкаси йиғувчи-слесарлари бу йил пландаги 158 ўрнига 160 экскаватор тайёрлаб беришга аҳд қилишган. Бу буюртманинг кўпчилиги қардош социалистик мамлакатларга жўнатилади.

СУРАТДА: шу участкада баракали меҳнат қилаётган Борис Эвзельман бош бўлган илғор бригада коллективини кўриб турибсиз (чапдан ўнгга) Е. Папир, И. Мерзлов, В. Корнейко, Б. Эвзельман, Э. Белинзон ўртоқлар.

М. Нуриддинов фотоси.

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ШАРТНОМАЛАРИ

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг 10 нафар энг яхши студенти бу йил биринчи марта Венгрия пойтахтининг политехника университети лабораторияларида ва телевизор ҳамда радио техника ишлаб чиқарадиган Будапешт заводларида практикадан ўтадилар. Шунча студент Будапешт университетидан Ўзбекистонга келади. Шу икки олий ўқув юртининг раҳбарлари ўртасида тажриба алмашиш тўғрисидаги битим имзоланди. Бундан илгари Пардубица (ЧССР) шаҳрининг химия - технология институти билан, Польшанинг Познань ва Вроцлав политехника институтлари билан ҳам шундай шартнома тузилган эди.

Бу йил ТошПИнинг 40 студенти ишлаб чиқариш практикасини қардош социалистик давлатларнинг саноат корхоналарида ўтказади. Чехословакия, Польша ва Венгриядан ҳам бўлажак инженерлардан 40 киши олий ўқув юртлари ўртасида тузилган шартнома асосида Ўзбекистонга келади. Улар институт лабораториялари дан ташқари «Ташсельмаш», Тошкент трактор заводлари, Олмалиқ химия комбинати билан танишадилар. Чет эллик студентларнинг бир қисми Тошкент, Сирдарё ва Чорвоқ электр станцияларида меҳнат қилади.

(ЎзТАГ).

БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА

САМОЛЁТСОЗЛАР АҲДИ

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «1978 йил планини тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш учун курашни кучайтириш тўғрисида»ги Мактубидан руҳланган Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи иш суръатини кун сайин ошириб бормоқда.

Беш йилликнинг иккинчи — юбилей йилини катта муваффақиятлар билан якунлаган самолётсозлар зарбдор меҳнат йили учун ҳам катта, оширилган социалистик мажбуриятлар олганлар. Жумладан, мажбуриятда шундай дейилган:

— маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича беш йилликнинг 1978 йил топшириғи 7 ноябрда бажарилади; ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан бир неча процентга кўпайтирилади; меҳнат унумдорлиги планда белгиланганига нисбатан 8,6 процентга ўстирилади, маҳсулот таннархи 10,6 процент камайтирилиб, пландан ташқари камида 100 минг сўмлик кенг истеъмол буюмлари тайёрланади.

Ана шу социалистик мажбуриятларни муваффақиятли амалга ошириш учун коллектив кун сайин социалистик мусобақа байроғини баланд кўтармоқда. Ҳозирда илғор авиасозлар А. Девятова, Н. Маннопов, Т. Ляшко ва П. Шевченколарнинг сафи тобора ўсиб боряпти. Айниқса, меҳнат беллашувида пешқадамлик қилиб келаётган ахборот-ҳисоблаш бўлимида бирорта ҳам қолоқ ишчи топилмайди. Пешқадам коллективга техника фанлари кандидати, Беруний мукофотининг лауреати А. Л. Вишневский раҳбарлик қилиб келмоқда.

Ўтган йили ахборот-ҳисоблаш маркази коллективи учун катта муваффақиятлар йили бўлди. Марказнинг моддий-техника базаси кенгайди. Натижада қувватли ҳисоблаш қурилмасида ечиладиган оператив ва иқтисодий комплекс масалаларини ҳал этиш кўлами анча кенгайди. Ҳозирда бўлим коллективининг асосий шиори «Сафимизда қолоқлар бўлмасин», «Беш йилликнинг учинчи йили топшириғи — СССР Конституциясининг бир йиллиги кунигача» бўлиб қолди.

Маълумки, ишлаб чиқарилаётган табуляграммаларнинг олий категорияли бўлиши операторлар ҳамда инженерларга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам машиналарнинг тўла қувватда, нормал ишлаши, операцияларга катта масъулият билан ёндошиш, изланиш ва ижодий маҳоратини тинмай ошириб бориш узлуксиз назорат остига олинган.

Зарбдор учинчи йил учун олинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун корхонада бошқаришнинг автоматлаштирилган системасини янада такомиллаштириш кўзда тутилади. Қўшимча равишда оператив - календарь планлаштиришнинг 55 программаси, электрон ҳисоблаш машиналари базасида технология ва маҳсулот сифатини комплекс бошқариш системаси ишлаб чиқаришга жорий этилади. Шу каби талай тадбирларни амалга ошириш туфайли самолёт ишлаб чиқаришда меҳнат сарфи 13 процентга камаяди.

«Минск-32» типидаги ЭҲМнинг фойдали иш вақтини узайтириш асосий мақсад қилиб қўйилган. Ҳозирги кунда 100 та табуляграмма аттестацияга тайёрланмоқда. Бу соҳада технологлар Г. Гвоздёва, В. Большаков, С. Сендеровичлар олиб бораётган ишлар мақтовга сазовордир.

Умумхалқ мусобақасида шарафли ўринни эгаллаш, 1978 йил учун олинган юксак социалистик мажбуриятларни муддатидан олдин, ортиғи билан бажариш авиасозларимизнинг қатъий аҳдидир.

Ҳ. РАСУЛЕВ,
Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг инженери.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Ж. ЗУФАРОВА, М. МАҲМУДОВА: Биз бу йил еттинчи синфни битирамиз. Спортнинг гимнастика турига жуда қизиқамиз. Лекин қаерга ва кимга мурожаат қилишни билмаймиз. Илтимос, бизга шу масалани ҳал қилишга ёрдам берсангиз.

Жавоб: «Меҳнат» кўнгилли спорт жамияти Тошкент область Советида қизлар шуғулланадиган гимнастика секцияси мавжуд. Бу ерга қизлар саккиз ёшдан бошлаб қабул қилинади. Шунга карамасдан сизлар Пушкин майдони ёнида жойлашган «Меҳнат» жамияти раҳбарларига учрашиб, гимнастика билан шуғулланиш масаласини ҳал қилишингиз мумкин. Бу ерга 23, 22, 3-трамвай, 4, 5, 18, 17-троллейбус, 1, 69, 24, 4, 41, 17-автобуслар билан борилади.

* * *

Б. ИБРОҲИМОВ: Мен Тошкент Давлат университетида ўқийман. Спортни жуда севаман. Шахмат ва футболдан разрядим бор. Самбо ва дзюдо бўйича ҳам маҳорат ўрганиш ниятидаман. Шунинг учун ҳам университетда ишлаб турган самбо секцияси тренерига учрашдим. У бизда фақат спорт мастерлигига кандидат ва спорт мастерлари шуғулланади, деб мени секцияга кабул қилмади. Илтимос, қаерда самбо билан шуғулланиш мумкинлигини айтиб берсангиз.

Жавоб: Тошкент Давлат университетидаги самбо секциясида ҳақиқатан ҳам спорт мастерлигига кандидат ва спорт мастерлари шуғулланишади. Сиз спортнинг бу тури бўйича дастлабки кўникма ҳосил қилиш ниятида экансиз. Бунинг учун «Буревестник» кўнгилли спорт жамияти раҳбарларига учрашинг. Улар албатта ёрдам беришади. Жамият Хоразм кўчасидаги 7-уйда жойлашган. Бу ерга 28, 18, 9-автобус, 18, 4, 8, 1-троллейбуслар билан борилади.

* * *

Ж. ИСРОИЛОВА, Ю. СУЛАЙМОНОВА: Олий ўқув юртида ўқиётган оилали студентларга фарзанд кўрганда нафақа бериладими ёки берилмайдими?

Жавоб: Белгиланган тартибга кўра олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчилари (шу жумладан партия мактаблари ва касаба союз ҳаракати мактабларининг ўқувчилари хам) ва аспирантлар бола туғилиши муносабати билан умумий асосларда нафақа олиш ҳуқуқига эгадирлар. Бунинг учун улар олий ўқув юртига ёки аспирантурага киришдан олдин ишчи ёки хизматчи бўлиб ишлаган бўлишлари шарт.

Студент ва аспирантларга бола туғилганлиги учун нафақа тўлаш пайтида иш ҳақи ўрнига степендия ҳисобга олинади. Ўқув юрти ёки аспирантурада ўқиётган вақти нафақа тайинлаш пайтида узлуксиз иш стажи ҳисоб қилинади.

КЎЧА ТАСОДИФЛАРГА ТЎЛА

ГАИ АХБОРОТИ

Кечаси соат ўнларда ака-ука — 11 ёшли Сайдали билан 15 ёшли Ҳабибулло Ҳалиловлар уйларига қайтишаётган эди. Бунинг учун улар автобус бекатидан Журжоний кўчасининг қатнов қисмини кесиб ўтишлари керак эди. Сайдали югуриб кўчанинг нариги томонига ўтиб олди, лекин Ҳабибулло ўта олмади. Шу пайт А. Одилов бошқариб келаётган ГАЗ—24 64—59 ТНМ енгил автомашинаси уни уриб йиқитди.

Бош мияси қаттиқ қалқиган ҳамда сон суяги синган 193-мактабнинг саккизинчи синф ўқувчиси Ҳабибулло тез медицина ёрдами касалхонасига ётқизилди.

НАШРИЁТ ТУҲФАСИ

Тошкентда кўришадилар

Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларининг V Тошкент халқаро кинофестивали очилишига бир ҳафта қолди. Худди шу кезда Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида «Тошкентда кинематографларнинг халқаро форуми» деган янги китобнинг чоп этилиши катта аҳамият касб этади. Бу китобда Тошкентда бундан илгари бўлиб ўтган халқаро кино анжуманларининг материаллари илк бор йирик тарзда жамланган.

Тўплам бир қанча бўлимлардан иборат. Китоб «Қалбимизда Ленин номи билан» деган мақола билан очилади. Бу бежиз эмас. Ленин кинонинг энг оммавий санъат эканлиги ҳақида қайта-қайта таъкидлаган эди.

Мамлакатимизда Тошкент кинофестивалига ғоят катта аҳамият берилмоқда. Тўртинчи кинофестивалга КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежнев табрик юборганидан ҳам шуни билса бўлади. Тўпламда ушбу табрик ҳам жой олган. Ўз табрикномаларидан бирида Л. И. Брежнев бугунги кунда кино халқлар ўртасида ўзаро тушуниш ва ҳамкорликни мустаҳкамлашда, тинчлик ва гуманизм ғоялари тантанасида ниҳоятда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаган эди. Тошкент фестиваллари «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар дўстлиги учун!» шиори остида ўтаётганлиги ҳам бу анжуманлар эзгулик ишига, тинчлик ишига хизмат қилишидан далолат беради. Фестиваль ташкилий комитети раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаеванинг китобдан ўрин олган мақоласида ана шу муҳим ғоя— Тошкент халқаро кинофестивалининг инсонпарварлик ғояси акс эттирилган.

Тошкент кинофестивалида фильмларни намойиш қилиш билан бирга кенг ижодий мунозаралар ҳам бўлиб ўтади. Бу эса кино арбобларининг гражданлик ва ижодий позицияларини белгилашга, уларнинг профессионал маҳоратини ўстиришга ёрдам беради. СССР Госкиноси кино тарихи ва кино назарияси институтининг директори В. Баскаковнинг мақоласида ана шундай ижодий мунозаралар ва уларнинг ўзига хос хусусиятларига баҳо берилади. Тошкент фестивали ҳақида унинг иштирокчилари ва меҳмонлари ҳаяжонли фикрлар билдирганлар. Таниқли ёзувчилар, режиссёрлар, сценарийчилар, жумладан Чингиз Айтматов, Сергей Герасимов, Марк Донской сингариларнинг Тошкент кинофестивали ҳақидаги фикрлари китобхонда катта қизиқиш уйғотади. Китоб охирида «Мамлакатлар, фильмлар, мукофотлар, дипломлар» бўлими мавжуд. Бу бўлимда илгариги фестивалларда иштирок этган барча мамлакатлар, улар намойиш қилган фильмлар, мукофот олган киноасарлари ҳақида маълумотлар бор.

С. ХЎЖАЕВА,
киношунос.

Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун

V ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛНИНГ ОЧИЛИШИГА БИР ҲАФТА ҚОЛДИ

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ САНЪАТ

СЎНГГИ йилларда Осиё ва Африка кино санъати жаҳон прогрессив кинематографияси сафларидан муносиб ўринни эгалламоқда. Икки қитъа мамлакатлари кинематографияси бу ерда амалга оширилаётган озодлик кураши ғояларини, социал-иқтисодий ўзгаришларни ўзида акс эттирибгина қолмасдан, балки уларнинг жарчисига айланиб қолди.

Осиё ва Африка халқлари ижтимоий ва сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнаётган миллий кинематография эксплуатациядан озод, янги ҳаёт бунёдкорлари қўлида жанговар қурол бўлиб хизмат қилмоқда. Зероки, бу ерда халқларнинг кундалик турмуши ва яқин ўтмишини тасвирловчи ҳар жиҳатдан етук кино асарларида реалистик ва реакцион ғоялар кураши тобора ёрқинроқ акс этмоқда. Шу боисдан ҳам Осиё ва Африка кинематографияси ижод самаралари ҳақли равишда жаҳон томошабинлари олқишига сазовар бўлмоқда.

Бу жиҳатдан бадиий фильмлар ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда олдинги сафларда турган Япония кинематографияси эътиборни жалб этади. Гарчи тижорат мақсадида яратилган, фикран саёз фильмлар япон кинематографиясида аксариятни ташкил қилса-да, сўнгги йилларда бу ерда ҳаётни ҳаққоний ва тўлақонли тасвирловчи кино асарлари кўплаб яратилмоқда. Япон кино усталари Ёдзи Ямадининг «Оила», «Ватан», «Ҳамфикрлар», Масаки Кобаясининг «Исёнкор», «Чарчоқ кишининг нашидаси», Сацуо Ямомотанинг «Уруш ва одамлар», «Қоронғуликнинг олтин давраси» каби фильмлари ана шу асарлар жумласидандир. Мазкур асарлар, асосан антиимпериалистик мавзуга бағишланган бўлиб, уларда уруш ва милитаризм ғоялари қораланади. Режиссёр Таласи Иманнинг «Ёш денгиз пиёда аскарлари» фильмида иккинчи жаҳон уруши йилларида Тинч океанида жойлашган Япон оролларининг бири мудофаасида қатнашган ва Америка бомбалари остида ҳалок бўлган 3800 боланинг аччиқ тақдири ҳақида ҳикоя қилинади.

Йигирмадан ортиқ фильмни экранлаштирган Ёдзи Ямадининг асарлари инсонга муҳаббат руҳи билан суғорилган. Ё. Ямадининг «Оила» фильмида яхши ҳаёт қидириб, бутун Япон архипелагини кезиб чиққан камбағал шахтёр оиласининг оғир аҳволи ишонарли тасвирланади.

Ё. Ямадининг иккинчи асари «Ватан»да монополистик капитал ҳукмрон бўлган капиталистик жамиятда меҳнат аҳлининг оғир турмуш кечира бориб ўз ватанидан маҳрум бўлиш жараёни реалистик асосда кўрсатилади. Прогрессив маданият ғояларини қишлоқ меҳнаткашлари орасида тарқатишга аҳд қилган ёш санъаткорлар ҳақида режиссёр «Ҳамфикрлар» фильмида ҳикоя қилади.

Прогрессив, реалистик ғояларни тасвирлаган япон фильмлари таниқли япон кинотанқидчиси коммунист Кадзуо Ямаданинг фикрича «зўрликни тасдиқловчи ва қуролсизланишга қарши қаратилган ғояларни куйловчи буржуазия киноси билан курашда» ривожланиб бормоқда.

Эски, реакцион ва янги реалистик прогрессив ғоялар курашида вужудга келаётган кинематографлар жумласига Эрон киносанъати киради. Ҳозир Эрон киносанъатида воқеликни ҳаққоний тасвирловчи фильмлар ҳам кўплаб ишлаб чиқарилмоқда. Режиссёр Дарьюш Меҳржун Эрон киносидаги бу янги йўналиш тарафдорларидандир.

Содда дил қишлоқининг катта шаҳардаги ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи «Гўл одам» фильми Дарьюш Меҳржун маҳоратини тасдиқловчи асардир. Режиссёр бу фильмида бир қатор характерлар мажмуини кўрсатган бўлса ҳам, лекин томошабин фильм қаҳрамонларининг биронтасининг хатти-ҳаракатини ёқламайди. Бу билан режиссёр анъанавий турмуш тартиблари билан ҳозирги раҳмшафқатсиз капиталистик тузум ўртасидаги ихтилофни кўрсатади.

Ҳозирги кунни реал тасвирлашга интилувчи Эрон режиссёрлари сафларида Шаҳид Салесс ҳам бор. Унинг «Одатдаги ҳодиса» фильми ойлик маошини фақат ичкиликларга сарф қилувчи ота, бетоб она ва мактабда ўзлаштирмовчи боладан иборат балиқчи оиласи ҳақида ҳикоя қилади. Фильм кадрларидан бирида отасининг калтакларидан безор бўлган, онаси ўлиб етим қолган боланинг эски мактаб биносида ёлғиз ўтирганини кўрамиз. Иккинчи кадрда эса боланинг очлигига, совуқдан титраётганига эътибор қилмай ўқишга мажбур қилаётган ўқитувчи... узоқ ўтириб зериккандан сўнг портфелидан ширинликларни олиб, маза қилиб чайнай бошлайди. Кейинги кадрда эса боланинг яширинча ўқитувчиси қўлига тамшаниб қараб турганлиги тасвирланган.

Салесснинг иккинчи фильми— «Осойишта ҳаёт» — темир йўл стрелкачиси ҳақидаги ҳикоядир. Пенсия ёшига етган стрелкачи бошлиқларидан ўзи севган касбида қолдиришларини илтимос қилади. Лекин бюрократ бошлиқлари унинг илтимосларига бефарқ қараганликларини кўрган стрелкачи оғир касал бўлиб қолади...

Салесснинг фильмларида томошабин жонли кишиларнинг шоҳиди бўлади, уларнинг ҳаёти билан яшайди, уларнинг ҳиссиётини тушуниб етади. Бу фильмларда ҳозирги замон Эрон воқелиги реал тасвирланади.

Масъуд Кимёнинг кино асарлари ҳам диққатни жалб қилади. Бу режиссёрнинг дайди йигит ҳаётини тасвирловчи— «Қайсар» фильми Эрон томошабинлари томонидан қизғин кутиб олинди. Унинг «Ер» картинаси бой хотиндан ерни ижарага олиб кун кўрувчи ака-ука деҳқонлар ҳаётига бағишланган. Ер эгаси ва ижрочилар ўртасидаги жанжал ака-ука деҳқонларнинг бирининг ўлимига сабаб бўлади. Иккинчиси эса қамоққа олинади.

Эрон кино усталарининг кейинги ўн йил ичида яратган бадиий фильмлари анализи шуни кўрсатадики, бу мамлакат кинематографияси жамият ҳаётини, реал воқеликни ҳаққоний акс эттиришда муайян ютуқларга эришди.

Социалистик тараққиёт йўлини танлаб олган бир қатор Осиё ва Африка мамлакатлари кинематографиясида социал ва синфий курашни тасвирловчи асарлар салмоқли ўринни эгаллайди. Масалан, Жазоирда, кино вужудга келган кундан бошлаб жазоирликларнинг мустақиллик курашида— янги ҳаёт барпо қилиш жараёнида фаол қатнашиб келмоқда.

Сўнгги пайтларда Жазоир киносида илғор, прогрессив ғояларни тарғиб қилувчи экран асарлари кўплаб яратилди. Муҳаммад Боумарининг «Мерос», Муҳаммад Салим Риаднинг «Жанубдан эсган шамол», Сиди Али Мазифнинг «Кўчманчилар» фильмлари ана шу асарлар жумласидандир.

Миллий-озодлик ҳаракати мавзуи Мозамед Лахдар— Хаминанинг 1975 йил Канн халқаро кинофестивали мукофотини олган «Оловли йиллар хроникаси» фильмида ўз аксини топган. Бу асарда режиссёр, актёрлар, рассомлар, операторларнинг маҳорати ягона мақсад — Жазоир миллий озодлик курашининг сарчашмаларини очиб беришга бўйсундирилган.

Ғоялар курашининг кино асарларида акс эттирилиши ҳақида сўз юритилганда Сенегал режиссёри Сембен Усмоннинг номи ҳам ҳақли равишда тилга олинади. Режиссёрнинг VII Москва халқаро кинофестивалида кумуш мукофотни олган «Эмитай» фильмида воқеа иккинчи жаҳон уруши йилларида бўлиб ўтади — деҳқонларни аскарликка жалб қилиш учун қишлоққа келган колониал жазо отрядининг қишлоқ аҳлига нисбатан қўполликлари, ахлоқсизликлари тасвирланади. Маҳаллий деҳқонларнинг турмуши, ритуал рақслари, турли худоларга сиғинишларини тасвирловчи кадрлар орқали Сембен Усмон колонизаторларнинг шафқатсизлиги ва сурбетлиги олдида кучсиз ва ҳимоясиз эканлигини кўрсатиб берган. Фильм мавзуининг актуаллиги ҳозирги замон колонизаторлари, ирқчиларига қарши айбловчи ҳужжатлигидадир.

Осиё ва Африка кинематографиясида синфий кураш мавзуи асосий тема бўлиб қолмоқда. Покистонлик режиссёр Надим Бейгнинг тўқимачилик фабрикаси эгаси ва ишчилар ўртасидаги ихтилоф ҳақида «Лой қўғирчоқ», ҳиндистонлик Тапан Синхнинг ишчилар забастовкаси ҳақидаги «Сагино Махато», марокашлик Сухайл Бен Баркининг гиламдўзлар ҳаёти ҳақидаги «Минг бир қўл», тунислик Абдель Латиф Бен Аммарнинг матбаачиларнинг оғир турмуши тасвирланган «Ота» каби фильмлари ана шу актуал мавзуга бағишланган.

Осиё ва Африка мамлакатларидаги тараққиёт йўлига тушиб олган кинематография бу мамлакатлар ижтимоий ва сиёсий ҳаётида юз бераётган туб прогрессив ўзгаришларни акс эттириб, бу ерда синфий кураш кучайиб бораётганлигини, буржуа жамияти ҳам ғоявий ҳам сиёсий инқирозга юз тутганлигини ишонарли тарзда тасвирлаб келмоқда.

Раҳимжон ҚОДИРОВ,
тарих фанлари кандидати.

ДИЛ СЎЗЛАРИ

«Биз ҳаммамиз— фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлар бир-биримизни оға-инидек, опа-сингилдек ҳис қилдик. Энг муҳими шуки, икки буюк қитъа кино тараққиёти ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилдик».

Сембен УСМОН,
ёзувчи ва режиссёр.
[Сенегал]

* * *

«Одамларнинг «Тошкент руҳи» деб атаганлари Осиё ва Африка халқларини катта бир оилага жипслаштириш, уларнинг бирлигини мустаҳкамлашга интилишдан иборатдир. Бу борада Ўзбекистон пойтахти бутун дунёда тинчлик учун олиб борилаётган курашда янги саҳифа очди, дейиш мумкин».

Акира ИВАСАКИ,
кинотанқидчи.
[Япония]

* * *

«Мен Тошкентда ўтаётган кинокўрикда қатнашаётганим билан ғоят бахтиёрман.

Советлар мамлакатидан ўз уйимга кишиларнинг ирқи, миллати, танасининг ранги ва эътиқодининг турлича бўлишидан қатъий назар, осойишта ва дўстликда яшай олишларига тўла ишонч билан қайтаман».

Жон КИРЕМЕРБА,
кинорежиссёр.
[Уганда].

* * *

«Фестиваль, СССР билан бу кино байрамида қатнашаётган бўлак мамлакатлар орасидаги дўстона ёрдам ва ҳамкорликни кенгайтириш мумкин эканини намойиш қилди.

Ўзбекистоннинг тарихий жойларига қилинган саёҳат менда чуқур таассурот қолдирди. Бу саёҳат вақтида биз республиканинг оддий кишилари билан танишдик, уларнинг меҳмондўстликларидан фойдаланиб, бу ерни ўз уйимиздек ҳис қилдик. Ўзбекистон халқи бизга дўстона меҳрибонлик кўрсатганини сезиб турдик. Мен ўз Ватанимга қайтганимдан кейин бу кишиларни мамнуният билан эслаб юраман».

Абул КЕР,
продюсер, парламент аъзоси.
[Бангладеш Халқ Республикаси].

Фестиваль шаҳрида

Кинофестивалларнинг ҳам ўзига хос тарихи бор. Ўттизинчи йилларнинг охирида дунёнинг таниқли киносанъаткорлари қатор шаҳарларда кино анжуманлар ўтказиши одат тусига кира борди. Дастлабки Халқаро кинофестиваллар Венеция, Каннда ўтказилган эди. Кейинчалик Москвада бўлиб ўтди. Мана бир неча йилдирки, Тошкент фестиваль шаҳрига айланди. Бу ерда ҳар икки йилда бир марта Осиё, Африка ва Латин Америкасининг мамлакатлари кинофестивали кўтаринки руҳда ўтказиб турилади. Бу фестивалларда намойиш этиладиган фильмлар томошабинларга ўша халқ ҳаёти ҳақида, урф-одати ва таомили ҳақида ҳикоя қилади. Фестиваль кунлари ўн кун мобайнида шаҳримиздаги қатор кинотеатрларда Осиё ва Африка мамлакатларидан келтирилган таниқли кинематографларнинг сермазмун асарлари намойиш этилади. Бу асарларда биз икки қитъа халқларининг турмуш тарзи билан, бугунги кундаги ҳаётлари билан яқиндан танишамиз. Шу билан бирга фестиваль кунларида Осиё, Африка ва Латин Америкасидан келган киносанъатининг улкан намояндалари ўзаро фикр алмашади. Бир-бирларини асарлари билан яқиндан танишади.

Қуйидаги суратларда сиз ана шундай сермазмун учрашув пайтларини кўриб турибсиз.

Юқоридаги суратда: ўзбек санъаткорлари: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Латиф Файзиев ва Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Тўғон Режаматов тўртинчи Тошкент кинофестивали қатнашчилари даврасида.

Пастдаги суратларда: таниқли оператор, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ҳотам Файзиев ҳиндистонлик ёш санъаткор Кити Мирза ва суданлик Ф. Диап билан фестиваль таассуротларини ўртоқлашмоқда; таниқли ўзбек кинорежиссёри ва оператори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Т. Нодиров тўртинчи халқаро Тошкент кинофестивали қатнашчилари бўлмиш Африкадан келган ҳамкасблари орасида.

С. Маҳкамов ва Л. Глауберзон фотолари.

КЕНГ КЎЛАМДА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМОҚДА

Тошкентда ўтказиладиган Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларининг V Халқаро кинофестивалида Ҳиндистон кинематографияси кенг кўламда қатнашади. Фестивалда кўрсатиш учун танлаб олинган 25 фильмдан энг яхши киноленталар Ҳиндистон кинематографиячилариникидир. Таниқли режиссёр Гулзорнинг «Китоб» фильми фестиваль қатнашчиларининг шубҳасиз қизиқишига сазовор бўлади. Бундан атиги бир неча ойгина илгари Ҳиндистон экранларига чиққан бу кинокартинада ёш авлодни тарбиялашнинг кескин социал проблемалари тўғрисида гап боради. С. Рэйнинг «Шахматчилар» ва Ш. Бенигалнинг «Роль» фильмлари ҳам кўрсатилади.

Тошкент киноанжуманида Ҳиндистон информация ва радиоэшиттириш министрлиги ҳузуридаги халқаро кинофестиваллар директоратининг раҳбари В. С. Катар бошчилигидаги кинематографчилар делегацияси Ҳиндистон номидан қатнашади. Ҳиндистоннинг М. Сен, П. Рао, Ш. Бенигал каби режиссёрлари ҳамда Шаши ва Риши Капур, Викьян Синх, Шабан Азми, Аш Сачдев каби актёрларининг келишлари кутилмоқда.

Ҳиндистонда Тошкент кинофестивалига қизиқиш катта. Унга Ҳиндистон киносининг ижодкор ходимларигина эмас, шу билан бирга мамлакатнинг кинопрокат соҳаси билан алоқадор кишилари ҳам тайёргарлик кўрмоқдалар. Ҳиндистон кинематографчилари бу киноанжуман ривожланаётган бошқа мамлакатларнинг кино намояндалари билан кенг кўламда танишиш ва орттирилган тажрибаларни баҳам кўришга имконият беришига аминдирлар, деб ёзади Ҳиндистон матбуоти.

КАТТА МАҚСАД САРИ

Ўзбек кинематографияси кўп миллатли совет кино санъатининг илғор отрядларидан бири сифатида таниқли. Бу санъатда ижод қилаётганлар ҳақиқий новаторлар сифатида, янги воситаларни кашф этган ва улардан унумли фойдаланган маданият арбоблари сифатида шуҳрат қозонмоқда. Экранимиз довруғи эса оламга таралди. Зеро, санъаткорлар юксак мақсад йўлида ижод қилмоқдалар.

Мен ўзбек кинематографиясининг ярим асрлик тарихини кўрдим, завқ билан ижодий меҳнат қилдим. Буни дилда ҳис этиб, ҳамиша фахрландим. «Абдулла Набиев», «Орол балиқчилари», «Сайёд бонги» фильмларида Октябрь самаралари ҳақида ҳикоя қилдим.

Уч қитъа санъаткорларининг Тошкент анжумани кунлари биз меҳмонларга ўз асарларимизни кўрсатамиз, янги ҳаёт қурувчилари образлари гавдаланган лентапарнинг бунёд этилиши тарихи ҳақида сўзлаб берамиз. Бундай суҳбатлар ва кўриклар ҳар галгидек мароқли ва сермазмун ўтишига ишонаман.

Анъанавий Тошкент фестиваллари кунлари студиямизда ҳам, суратга олиш майдончаларида ҳам шундай бўлган.

Йўлдош АЪЗАМОВ,
Ўзбекистон ССР халқ артисти, режиссёр.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Мустаҳкам дўстлик

ДЕҲЛИ. Миллионлаб ҳиндлар Ҳиндистон— Совет маданий жамияти фаолиятида қатнашмоқда, деди ТАСС мухбирига шу жамият миллий кенгашининг бош секретари Литто Гхош. Биз мамлакатнинг турли районларида жамиятнинг 1700 бўлимига эгамиз. Активларимиз сони 200 минг кишига етди.

Ҳиндистоннинг кенг жамоатчилиги ҳукумат доиралари СССР билан дўстлик мамлакатимиз учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эга эканлигини яхши англайдилар, деб таъкидлади Л. Гхош.

ТАЖРИБАЛАР ТУГАДИ

ПРАГА. Чехословакиянинг «Рогожник» шаҳри ёнидаги «Загоржи» комбинатида юксак сифатли оқ цемент ишлаб чиқариш юзасидан тажриба ишлари муваффақиятли тамомланди. Шу йилнинг охиригача бу ерда 50 минг тонна қимматли қурилиш материали чиқарилади. Яқин икки йил ичида ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириш ҳисобидан ҳар йили 100 минг тонна маҳсулот чиқариладиган бўлади. Маҳсулотнинг анча қисмини пардозлаш ишларида кенг қўлланиладиган рангли цемент ташкил қилади.

●

Совет Иттифоқи билан мустаҳкам ҳамкорлик ВХР алюминий саноатининг ривожланишида муҳим роль ўйнади. Ҳозир у республика социалистик индустриясининг муҳим тармоғи бўлиб қолган. Бу йил Венгрия алюминий саноатининг қардош социалистик мамлакатларга экспорт қиладиган маҳсулотлари 80 миллион сўмликдан ошиб кетади.

СУРАТДА: совет-венгер дўстлиги корхонаси — Сенешфехервар комбинатининг прокат цехида.

МТИ — ТАСС фотоси.

●



ЗИДДИЯТЛАР КУЧАЙМОҚДА

ОТТАВА. Канада билан Америка ўртасида муносабатлар денгиз чегаралари ва балиқ овлаш зоналари тўғрисидаги масала туфайли яна кескинлашди. Ҳар иккала мамлакат 200 миля масофадаги соҳил зонасига амал қилгандан кейин Канада билан АҚШ ҳукуматлари ўртасида денгиз чегараларини белгилаш тўғрисида музокаралар бошланди. Бироқ бу музокаралар дарҳол боши берк кўчага кириб қолди. Маҳаллий газеталарнинг фикрича, Америка томонининг ён босмаётганлигига Атлантика океанидаги Жоржес-банк районида катта нефть кони бор, деб мўлжалланаётганлиги сабаб бўлмоқда.

Тинч океан соҳиллари районида ҳам низоли районлар бор. Америка маъмурлари яқинда Вашингтон штати соҳилларидан 200 милялик зонада Канада балиқчиларига лосось балиқлари овлашни ман қилдилар. Федерал ҳукумат вакили Америка маъмурларининг қарори ҳар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни мураккаблаштиради, деб уқтириб ўтди.

Канада балиқчилари касаба союзининг президенти Ж. Николь АҚШнинг бу ҳаракати АҚШ билан Канада ўртасида балиқ овлаш тўғрисидаги мавжуд шартномаларга путур етказади, деб айтди. Канада балиқчилик министри Р. Леблан АҚШнинг тутган позицияси туфайли Канада унга жавоб чораларини кўришга мажбур бўлса керак, деди.

ҚАДИМГИ ҲИКОЯТЛАРДАН

КУЮК НОН

Бир киши табибнинг олдига келиб:

— Бир иложини қилинг тақсир. Эрталабдан бери тинмай қорним оғрияпти, — дебди.

— Эрталаб қандай таом еган эдинг? — сўрабди табиб.

— Бир талай куюк нон егандим.

Табиб хизматкорини чақириб, кўз оғриги дорисидан олиб келишини буюрибди.

— Аё тақсир, менинг қорним оғрияптику, кўз дорисини нима қиламан?

— Ташвишланма, — дебди табиб, — кўзинг соғ бўлса, куюк нонни емаган бўлардинг.

ЖОН АЗОБИ

Бир гала арилар айланиб юриб, бир кўза қиёмга дуч келиб қолдилар. Фурсатни ғанимат билиб, имкони борича қиёмдан ичиб қолишга ҳаракат қилдилар.

— Оқибати нима бўлди? — деб сўрарсиз. Оқибати шу бўлдики, қоринлари лиқ тўлиб, оғирлашиб қолганларидан кейин кўзадан қайтиб чиқолмай, ўлимга юз тутдилар.

СОҒЛОМ ШАҲАРЛИКЛАР

Бир табиб хушманзара шаҳардан ўтиб кета туриб, шу гўзал масканда табибчилик қилмоқчи бўлибди ва шаҳарнинг казоларидан сўрабди:

— Одамларингиз қай пайтда уйқуга ётиб, қай пайтда уйғонадилар?

— Бизнинг шаҳарликлар кеч ётиб, эрта уйғонадилар.

— Одамларингиз қандай овқатланишади?

— Қоринлари очмай овқатланишга ўтиришади, қоринлари тўймай қўл артишади.

Бу гапларни эшитган табиб хайр-маъзур қилиб:

— Менга бу тоза, гўзал шаҳарда иш йўқ экан, гапларингиздан маълум бўлдики, сизларда ҳамма одамлар соғлом экан, — дебди ва йўлига равона бўлибди.

● ИНСОН ВА ТАБИАТ

БОҒДАГИ ҚЎРИҚХОНА

Тожикистон тоғларида янги қўриқхона барпо этилди. Унинг территорияси Қурама тоғ тизмаси ёнбағридаги 15 минг гектар майдонни эгаллайди. Бу ерда асл ҳолида сақланиб қолган арча ўрмонлари давлат қўриғига олинган. Баъзи дарахтлар 400 — 500 ёшда. Ўрмонлар республиканинг шимолий районларидаги намлик тўплаш ва мўътадил иқлимни сақлаб туриш учун катта аҳамиятга эга.

Тоғли Тожикистоннинг ўсимлик ва ҳайвонот олами жуда бой ва турли-тумандир. Бу ерда илвирс, бурама шохли такалар ва қушларнинг ноёб турлари бор. Табиатни қўриқлаш, сақлаш, ҳайвонлар ва қушлар яшайдиган районларни кенгайтириш учун «Тигровая балка» ва «Рамит» қўриқхоналари, шунингдек 15 та катаған ташкил этилган. Уларнинг умумий майдони 1 миллион гектарга етади. Яқинда олинган маълумот шуни кўрсатдики, ҳимоя остига олинган жониворлар миқдори сезиларли даражада кўпайган. Масалан, бундан ўн йил аввал республикада тахминан 150 та Бухоро кийиги бўлган бўлса, ҳозир улар 600 тага етди. Кийиклар тоғларга қўйиб юборилган. Улар бу ерга кўникиб қолдилар.

(ТАСС).

БАҲОР ТАОМЛАРИ

РАВОЧ САЛАТИ

Равоч новдачаларини совуқ сув билан яхшилаб ювинг, пўстини шилиб бир-бир ярим сантиметр катталикда кубик қилиб тўғранг. Кейин кўк пиёзни тозалаб, йирикроқ қилиб қирқиб равочга аралаштирасиз. Бунга яна «булғори» нав редискани кубик қилиб тўғраб юборасиз, сўнг ҳамма масалликка бир оз қаймоқ қўшиб аралаштирасиз ва оз-моз туз сепасиз.

Салатни редискадан кесиб ясалган «гул» ва парракчалар билан безатсангиз ҳам бўлади. Кўнгил нордонлик тусаганда истеъмол қилинадиган бу салат иштаҳани очади.

Равоч салат учун: 4—5 шохча равоч, бир боғ ҳар хил рангдаги редиска, ярим боғ кўк пиёз, 4 ош қошиғида қаймоқ кетади. Тузни таъбга қараб сепасиз.

ПАЛОВГА ҚУЛУПНАЙ ТАЙЕРЛАШ

Майдароқ қулупнайнинг банди ва косабаргларини яхшилаб териб ташланг, кейин иссиқ сув билан чайқаб ликопчага солиб қўясиз. Ярим пиёла қулупнайни эзиб, шарбатини ликопчадаги қулупнай устидан қуясиз ва бир озгина туз сепиб палов билан қўшиб ейиш учун дастурхонга тортасиз.

4—5 кишилик паловга бир килограмм қулупнай ва пичоқ учида туз етади.

САДОҚАТЛИ АВЛОД

Ленин районидаги Фурқат номли маданият ва истироҳат боғида ўтказилган тантанали кеча Ленин комсомолининг 60 йиллик юбилейига бағишланди.

Кечага тўпланган ёшлар ВЛКСМнинг XVIII съезди делегати. «Электроаппарат» заводининг электромонтажчиси Ю. Родионовнинг тарихий съезд ҳақида таассуротларини тингладилар. У тарихий форумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг нутқи катта аҳамиятга эга эканлигини сўзлаб берди.

«Биз сенинг садоқатли авлодингмиз, комсомол» деб аталган бу тематик кечада Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари ҳам қатнашдилар. Улар — М. В. Коваленко ва А. Н. Доминовалар жанг хотиралари ва комсомолларнинг фронтлардаги жасорати ҳақида ҳикоя қилиб бердилар.

Шаҳримиздаги 124-ҳунар-техника билим юрти халқ хўжалиги учун малакали кадрлар — ҳисоблаш операторлари, стенограф-машинисткалар тайёрлаб чиқармоқда.

СУРАТДА: билим юртининг машинисткалар тайёрлаш бўлимида амалий машғулот пайти.

М. НУРИДДИНОВ фотоси.

● МЕНИНГ МИЛИЦИЯМ

ТАЛОНЧИ ҚЎЛГА ТУШДИ

Байрам арафаси. Варвара Павловна Ширимова ўзига керакли буюмларни харид қилиш учун Навоий кўчасидаги савдо ярмаркаларини айланди. У савдо қилаётганида қандайдир безори йигитнинг кўзи аёл сумкасидаги пулга тушди. Бу пул унга тинчлик бермади. В. Ширимова навбатдаги совғани сотиб олиш учун Бош универсал магазинининг биллур буюмлар бўлимига кирди. У чиройли буюмларни томоша қиларкан, кутилмаганда безори аёл қўлидаги сумкани юлқиб олди-да, қочиб ғойиб бўлди.

Яқин атрофда халқимиз осойишталигини қўриқлаётган посбонлардан М. Салимов ва Э. Исоқов аёллар сумкасини кўтариб қурилиш объекти томон ўтиб кетаётган йигитдан шубҳаланди ва унинг изига тушишди.

— Гражданин, тўхтанг! — деди қатъий оҳангда милиция ходими. Бироқ шубҳали йигит аксинча қоча бошлади. Югуришдан спорт разрядига эга бўлган милиционерлар зум ўтмай безорини ушлаб, ички ишлар бўлимига олиб келишди. Текширилганда сумка ичидан 657 сўм, 85 сўм 51 тийин нархдаги тилла узук, 6 метр тюль чиқди.

Милиция бўлимига кўз ёши қилиб келган Варвара Павловна Ширимовага сумкасидаги барча пул-буюмлари қайтарилгач, севинчидан юзига табассум югурди. Милиция ходимларига миннатдорчилик билдирди.

Маълум бўлишича техникхўр Ринат Шафиқов экан. 1956 йилда туғилган, Тошкент шаҳар, Фармон кўча, Ёрдамчи тупиғининг 4-уйида яшар, Тошкент махсус автомобиль мактабида ўқир экан. Октябрь район халқ суди Р. Шафиқовга қилмишига яраша 3 йил озодликдан маҳрум этилиш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Х. МУЙДИНОВ.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН ЎЙИНЧОҚЛАР

Кичкинтойларга аталган ўйинчоқлар ялтироқ, диққатни тортувчи, болага қувонч бағишлай олиши, унинг тасаввури ва эстетик дидининг ўсиши, камол топишига ёрдам бериши лозим.

Полихлорвинил плёнкадан ишланган дам бериладиган ўйинчоқлар ана шу барча талабларга жавоб беради.

Дам бериладиган ўйинчоқ ҳар жиҳатдан жуда қулай: кичкинтой улар билан хонада ҳам, кўча-кўйда ҳам ўйнаши мумкин. Агарда ифлос бўлиб қолса, — уни ювиш жуда осон. Дам бериладиган ўйинчоқларни ваннада ўйнаш мумкин.

Ёзги сафарлар вақтида бундай ўйинчоқларни денгизга, кўлга ёки дарёга ўзингиз билан олиб кетсангиз, болаларни сувда сузишга ўргатиш мумкин.

ДАМ БЕРИЛАДИГАН ЎЙИНЧОҚЛАР ВА УЛАРНИНГ БАҲОСИ:

кемача — 2 сўм 80 тийин;
тўшак — 6 сўм;
осминог — 2 сўм 30 тийин;
кит — 2 сўм 30 тийин;
доира қайиқча — 3 сўм 30 тийин;
тимсоҳ — 1 сўм 80 тийин;
сирғанчиқ балиқ — 2 сўм 40 тийин;
самолёт — 2 сўм 70 тийин;
ўрдакча — 1 сўм;
жирафа — 1 сўм 30 тийин;
мушукча — 1 сўм 20 тийин;
тошбақа — 1 сўм 70 тийин;
оққуш — 4 сўм 70 тийин;
капалакча — 1 сўм 70 тийин;
коптоқ — 1 сўм.

Буларнинг барчасини шаҳар магазинларидан сотиб олишингиз мумкин.

ПОЛИХЛОРВИНИЛДАН ЯСАЛГАН ЎЙИНЧОҚЛАРНИ СОТИБ ОЛИШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ «УЗКУЛЬТТОРГ»НИНГ РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ САВДО БАЗАСИГА МУРОЖААТ ҚИЛСИНЛАР.

«УЗКУЛЬТТОРГ» республика улгуржи савдо базаси
«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги,
Республика театр жамияти ва
Ўзбек Давлат филармонияси

16 МАЙ СОАТ 19.00 ДА

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

Ўзбекистон ССР халқ артисти
МУҲИДДИН ҚОРИЁҚУБОВ
туғилган кунининг 80 йиллигига бағишлаб

Юбилей кечасини ўтказадилар

ЮБИЛЕЙ КЕЧАСИГА ТАКЛИФ БИЛЕТЛАРИ БИЛАН КИРИЛАДИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 16/V да **Флория Тоска**, 17/V да **Бир актли балетлар**, 18/V да **Флория Тоска.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/V да **Келинлар қўзғолони**, 18/V да **Рўйхатларда йўқ.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 17/V да **Хотинимнинг эри**, 18/V да **Ҳижрон.**

КИНО

16, 17 МАЙДА

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Парол; «Зангори нилуфар»** (катта зал, кундуз ва кечқурун).

Парол: «Зангори нилуфар» — «ЧАЙКА» (11.30, 14, 16.15, 18.30, 21.00).

Эгизаклар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли, «МОСКВА» (жуфт соатларда).

Шум бола — «КУКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Меҳрибонлик — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Мимино — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.30).

Меҳрибонлик — «ХИВА» (20.30).

«ЧИЛОНЗОР»
САВДО МАРКАЗИДА

16—24 май кунлари

Тошкент «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмасида

Хотин-қизлар учун тикилган мавсумбоп ва қишки пальтоларнинг

САВДО-КУРГАЗМАСИ
УТКАЗИЛАДИ

«ЧИЛОНЗОР» савдо маркази.
«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

Тошкент Политехника институти томонидан Заҳидов Шарипджон Музрабович номига берилган 872585 номерли йўқолган

ДИПЛОМ
БЕКОР
ҚИЛИНАДИ

ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИГА ҚАРАШЛИ
«Ўзбекистон» фирма савдо бирлашмасининг
1-БОШ МАГАЗИНИДА
16 МАЙДАН— 26 МАЙГАЧА
ЎЗБЕКИСТОН ССР 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ НАМАНГАН ШОЙИ ГАЗЛАМАЛАРИ КОМБИНАТИ ИШЛАБ ЧИҚАРГАН ШТАПЕЛЬ ГАЗЛАМАЛАРИНИНГ

САВДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Кўргазмада турли талабларга жавоб берувчи кенг ассортиментдаги газламалар кўрсатилади.

Пардали газламалар, эркаклар ва хотин-қизлар кўйлаклари учун газламалар.

Сидирға ва гулли пардали газламалар сизнинг хоналарингизни янада чиройли қилиб безайди. Шу газламалардан тикилган эркак ва хотин-қизлар кўйлаклари сизнинг ёзги гардеробингизни тўлдиради.

САВДО-ҚУРГАЗМАСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Адрес: Навоий кўчаси, 18-уй (7, 11, 8, 16-трамвайлар, 1, 4, 8-троллейбуслар ва 28-автобусда бориш мумкин).

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!
«УЗТРАНСЭКСПЕДИЦИЯ» БОШҚАРМАСИ ҲУЗУРИДАГИ

«СЕРВИС» АГЕНТЛИГИ

аэрофлотнинг ҳамма рейслари ва узоқ манзилга қатновчи автобус рейсларига талабларга мувофиқ билетларни бронлаштириш, сотиш ва тегишли адресга етказиб бериш юзасидан телефон орқали олдиндан

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Буюртмалар чунончи рейсга чиқувчи таксилар учун ҳам қабул қилинади. Буюртма учун телефонлар: 62-63-45, 66-30-19, 77-00-20, 44-36-75, 46-77-53, 46-77-54, 62-75-28.

Республикамиз ва мамлакатимизнинг иттифоқдош республикалари шаҳарларида меҳмонхоналардан жой бронлаштиради. Телефон: 33-75-93 (Урицкий кўчаси, 82-уй).

СОВЕТ ИТТИФОҚИ БЎЙЛАБ ТУРИСТИК САФАРГА ПУТЁВКАЛАР БУЮРАДИ **(телефон: 66-03-53).**

ЛОСЕВ турбазаси (Ленинград яқинида) **— 23 майдан 10 кунга. Баҳоси — 45 сўм;**

ГРУЗИЯ бўйлаб — 18 майдан 20 кунга. Баҳоси — 125 сўм.

ШИМОЛИЙ КАВКАЗ КУРОРТЛАРИ бўйлаб — 28 май, 18 июндан 20 кунга. Баҳоси — 85 сўм.

МОЛОДОГВАРДЕЙСКИЙ (Ворошиловград, Краснодон, Жданов)**— 27 май, 9 июндан 20 кунга. Баҳоси — 120 сўм.**

ДОҒИСТОН бўйлаб — 29 май, 10 июндан 20 кунга. Баҳоси — 90 сўм.

ҲАРБИЙ-ГРУЗИЯ ЙЎЛИ — 24 май, 29 июндан 20 кунга. Баҳоси — 94 сўм.

ПОДДУБСКАЯ турбазаси (Ленинград яқинида)**—2, 4, 12, 14, 24 июндан 10 кунга. Баҳоси — 60 сўм.**

МОВИЙ КЎЛЛАРГА— 28 июндан 20 кунга. Баҳоси —100 сўм.

ОЗАРБАЙЖОН ВА ГРУЗИЯ бўйлаб — 9 июндан 20 кунга. Баҳоси — 125 сўм.

КАВКАЗ ТОҒ БАҒИРЛАРИ бўйлаб — 10 июндан 20 кунга. Баҳоси — 88 сўм.

ЖАНГОВАР ШУҲРАТ ЖОЙЛАРИ бўйлаб — 17 июндан 20 кунга. Баҳоси — 135 сўм.

ЛЕРМОНТОВ ЖОЙЛАРИ бўйлаб — 17 июндан 15 кунга. Баҳоси — 95 сўм.

МЕШЕРСКИЙ ЎЛКАСИ бўйлаб — 18, 28 июндан 20 кунга. Баҳоси — 75 сўм.

КЛЯЗЬМА ДАРЁСИ бўйлаб — 19 июндан 20 кунга. Баҳоси — 73 сўм.

ҚИРҒИЗИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН БЎЙЛАБ — 12, 27 июндан 20 кунга. Баҳоси — 110 сўм.

Тўлиқ маълумотни қуйидаги адресдан олиш мумкин: Тошкент шаҳар, Луначарский шоссеси, 50-уй (1-автобуснинг «ЦСУ» бекати). Телефон: 66-03-53.

АБИТУРИЕНТЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

Агар сиз физик, кимёгар, табиатшунос, математик, геолог, географ, гидролог, ҳисоблаш машиналарининг инженери, механик, тилшунос-филолог, тарихчи, файласуф, иқтисодчи, психолог, юрист, журналист, Шарқ ва Европа тиллари бўйича мутахассис бўлмоқчи бўлсангиз

16 МАЙ ҚУНИ

В. И. Ленин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли

Тошкент Давлат университетида ўтказиладиган

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР ҚУНИ»ГА

ТАШРИФ БУЮРИШИНГИЗНИ СЎРАЙМИЗ

Университет сизга 110 соҳа бўйича касб танлашингизга ёрдам беради.

Бу куни сиз университет тарихи, унинг факультетлари, ўқув корпуслари ва аудиториялари, лаборатория ва кафедралари билан танишасиз, университет раҳбарлари ва йирик олимлари билан учрашасиз.

Учрашув соат 15.00 да университет маданият саройида бошланади.

Бизнинг адрес: Студентлар шаҳарчаси, ТошДУ (10 «Э», 28, 34 «Э», 38, 76, 87 «Э», 88, 100 «Э»-автобуслар, 7, 16, 19-трамвайлар, 8-троллейбусда борилади).

Ю. А. ГАГАРИН НОМЛИ
ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ
ТЕХНИКУМИ

20, 27 май ва 17 июнда соат 13.00 дан 15.00 гача

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР
ҚУНИ»НИ ЎТКАЗАДИ

Техникум адреси: Тошкент шаҳар, Куйбишев кўчаси, 12-уй.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

15 МАЙ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.30 Янгиликлар. 18.40 «Учинчи йил — зарбдор йил». «Тюмень меридианида». Вингапур —Челябинск газ қувури қурилиши ҳақида. 19.20 А. Островский. «Қачонгача мой ейсан». ССР Иттифоқи Давлат академик Малий театри фильм-спектаклининг премьераси. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Балет ҳақида». 23.10 «СССР халқ артисти Б. Руденко куйлайди». 23.30 Кўрсатувлар программаси.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Бузоқча». Болалар учун мультфильмлар. 18.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Янгра, барабан!» (рус.). 18.50 «Халқаро ҳаётнинг актуал проблемалари». 19.15 «Ахборот» информацион программаси. (рус.). 19.30 «Ўзбекистон музика санъати намояндалари». Ўзбекистон ССР халқ артисти М. Қориёқубов туғилган кунининг 80 йиллигига. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Т. Муродов ижросида лирик концерт. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ғўза парваришини сифатли ўтказайлик». 22.15 «Телевидение экранида биринчи марта». «Анна ва командор». Бадиий фильм (рус.). 23.35 Спорт гимнастикаси. Ўзбекистон шахсий команда чемпионати. «Ешлик» спорт аренасидан репортаж (ёзиб олинган). 00.10 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Вертикаль». Бадиий фильм. 20.15 Тошкент янгиликлари. 20.35 «Туғилган жойи». «Григорий Иванович Петровский». Ҳужжатли фильмлар. 21.25 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика.

16 МАЙ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 А. Островский. «Қачонгача мой ейсан». ССР Иттифоқи Давлат академик Малий театрининг фильм-спектакли. 15.00 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. «Ғарбий чегарада», «Чегарачилар». 15.35 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». «Қаҳрамонона 60 йил». Бутуниттифоқ бадиий кўргазмасидан репортаж. 16.05 «Б. Шоу ижоди». 1-кўрсатув. 16.50 «Туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаларда йўқ». Телевизион очерк. 17.00 «Сиз яратган боғ».

17.30 «Мен — БАМ хўжайиниман». 18.00 «Шеърларни ўқиб...». 18.30 Янгиликлар. 18.50 «Шаҳар тароналари». Фильм-концерт премьераси. 19.50 «Инсон ва қонун». 20.20 «Голубка». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Қанотлар». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 23.00 В. Моцарт. Скрипка ва оркестр ижроси учун ёзилган 5-концерт. 23.30 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун. «Камалак» программаси. 18.35 «Яшарган ер». Мирзачўлни ўзлаштириш ҳақидаги ленинча декрет имзоланганлигининг 60 йиллигига бағишланган кўрсатув. 19.00 «Чорвачилик — зарбдор фронт» (рус.). 19.15 «Ахборот» информацион программаси. (рус.). 19.30 Ўзбекистон ўқитувчиларининг V съезди қатнашчилари учун концерт. Санъат саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Қўшиқ ва рақс». Концерт. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Георгий Седов». Бадиий фильм. 23.20 «Планета чўққилари». Ҳужжатли фильм. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Юлиус Фучик». Адабиётдан ўқув кўрсатуви. 19.30 Телеспектакль (рус.). 20.10 Тошкент янгиликлари. 20.30 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика. 21.30 Ҳужжатли фильм. 21.45 Н. В. Гоголь. «Қадимги замон помешчиклари». СССР халқ артисти Игорь Ильинский ўқийди.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»,
(«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
— орган Ташкентского
горкома
КП Узбекистана
и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83, қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Р-12946. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1308.